

ЎЗБЕК
ХАЛҚ
ИЖОДИ

ҚҰП ТОМЛИК



ДОСТОНЛАР



НУРАЛИНИНГ ЮТИЛИШИ

Айтувчи: *Бўри бахши Аҳмедов*
Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи:
Баҳодир Саримсоқов

Чор тувли Чамбил мамлакатининг бошини Балхувон, адоғини Зангувон, ўртасини Қаққувон, бир ёғи Эрону Турон, бир ёғи Андижон, Марғилон, атрофи Исфижаҳон, Нисфижаҳон, Оинаи жаҳон, Покистон минан Ҳиндистон, Кўҳи Қофда Гуржистон, саксон подшо, тўқсон хон ўртасида Чамбил мамлакати, подшо бўлган Гўрўғли султон, мададкор бўлган қирқ чилтон.

Гўрўғли султон ёши ўрта бўлган, урти халта бўлган, тиши болта бўлган, гўёки умри калта бўлган, туркманнинг қари лўкидай бўлиб, ҳар овзига олиб чайнаганда олти қадоқ кунжут ҳолвани солиб чайнар эди, одамлар мўйсафидга питган эди, гарданига қараса чандир бўлган эди, гарданининг томирни суғириб олса, туяга тортадиган кандир бўлган эди, кўкрагини очиб қараса, келинчаклар қатпатир ёпиб оладиган тандир бўлган эди. Шуйтиб Гўрўғли султон деб донғи Доғистонга кетган эди, қиличи тошга ботган эди, душман авлодини йиғлатган эди, зарбаси Авшарга ўтган эди, Шоҳаббоснинг тўққиз қизини ўйнатиб, тўқсон улини шапиллатиб дорга тортган эди. Чамбил элда Аваз деса, Гўрўғли деса, бешикдаги болалар йиғламай ётар эди.

Гўрўғлининг Оға Юнус, Мисқол деган парилари бор эди, осмонда учган ёри бор эди, обод бўлган рўзғори бор эди. Шу париларнинг қирқ минг канизи бор эди, уларнинг сараланган қирқ қизи бор эди, шундай қора кўзлари бор эди, қирқ икки минг нози бор эди, оғзида чанқовузи бор эди. Ҳаммаси оқ қиз, тўлиб-тошган соқ қиз, қайғуси йўқ қиз, насијси йўқ нақ қиз, ҳаммаси ўзбек, туркман қиз эди.

Қирқ олти гала ботири бор, ўн саккиз минг номдори бор, қирқ минг хизматкори бор эди, қирқ мингта сардори бор эди, қирқ минг жиловдори бор эди, доим сафарга чиққанда дёл Фиротдай тулпори бор эди. Қирқ минг уламози бор эди, ҳийлагар муллоси бор эди, қирқ минг талабаси бор эди, ўн минг мадрасаси бор эди, ўн минг хужраси бор эди, ўзи айтишга ёш эди, Авазнинг ули Нурали қирқ минг болага бош эди.

Қирқ етти қўрғони бор эди, ўн минг мергани бор эди, қирқ минг полвони бор эди, чор тувли Чамбил мамлакатининг Чамбил деган гулзори бор эди. Гўрўғли султон аркони давлатида давр суриб ётган эди, ширин уйқуга кетган эди, вақт саҳарга етган эди, уйқуда ётган Гўрўғли бир туш кўради бемаъни. Тушида Чамбилнинг қўрғони нураган бўлади, ҳаммаёқни чанг-тўзон босган бўлади, кейинчалик яна қўрғон кўзига кўринган бўлади.

Жойидан туради, тонг отиб, тоза таҳорат қилиб, худонинг фарзу қарзидан қутулиб, икки раказт шукрона намоз ўқиб, шу ёшга давр мундай туш кўрмаган, тушини қандай жўрашга ақли етмай туради.

Шунда қирқ олти гала ботири саломга келади, Оловхон деган пири ҳам шу даврада бўлади. Олдиларига ош қўяди, қўлларини бўш қўяди, бир хилига чой, бир хилига обжўш қўяди, ҳаммалари овқатдан тўяди, ҳаммаси ҳар ёқдан, у ёқдан-бу ёқдан, кун ботару кун чиқиш, юқори минан адоқдан гапиришиб, элатдан гурунг кетаверади. Шунда Гўрўғли султон қўлига дўмбирасини олиб, бир нағмага солиб, қирқ олтига қараб, оёқ тираб, мўйловини бураб, ботирлардан мадад сўраб, кеча мен шундай туш кўрибман, берасизлар-да тушимни жўраб, деб сўзлаб турган экан.

Қаторида гуркирайди қора нор,
Еру кўкни ҳақ айлаган берўвор.
Тош қилса, қўлида қудратли жаббор,
Арзим эшит, қулоқ солгин, ботирлар,
Бир майдон айтадиган арзим бор.
Чамбилда давр сурибман,
Узим сўзимда турибман.
Кеча ётган жойимда,
Қулоқ солинг, полвонлар,
Шундайин туш кўрибман.
Тожу давлат тарк қилганди бошимни,
Икки пари хизмат қилар тушимда.
Қирқ олтисан, хизмат қилдинг қошимда,
Қулоқ солиб, арзимди эшит, қирқ олти,
Чамбил қўрғон бу тушимда нурапти.
Гўрўғлибек қирқ олтидан сўрапти,
Нима бўлар бу ҳодиса, ёронлар,
Кеча ётсам, Чамбил қўрғон нурапти.
Қулоқ солинг, бул айтганда сўзима,
Мен ўлган кун ким қолади изима.
Чамбил қўрғон нураб қопти ёронлар,
Тўзон бўлиб кўринди-да кўзима.
Гапиради Чамбил элнинг доноси,
Болани ўйлайди ота-онаси,
Тоғдан баланд бўлдимикан гуноси,
Бўлмасин-да ёмон гапнинг гинаси,
Нима бўлар кўрган тушим ёронлар,
Қандай бўлар кўрган тушнинг маъноси?

Гўрўғли султон қирқ олтига қараб шу сўзларни айтди. Қирқ олти гала ботир, ҳаммаси ерга қараб ётир. Бир-бирини туртишади, бир-бирига имлашади, шовдирашиб гаплашади, очиқ гаплашмасдан туришади. Шунда Авазхон айтди:

— Жон ота, қилмайли тағин хато. Бундай ишларни донишманд кишилар, уламоларингиз жўрамаса, қандай бўлар экан?

Шунда ҳамма ботирлар жим тураверсин, Авазхоннинг бу сўзидан кейин Гўрўғлининг ота-онасидан қолган Оловхон деган пири Гўрўғлига қараб шундай насиҳат қилди:

— Э, Гўрўғли, нечоғли, мамлакатинг кенг чартоғли, бу тушинг бахтингга боғли. Бу тушнинг маърифати шундай бўлмоғи: олти ой муҳлат билан аркон давлатингга, бошқа мамлакатлардан ўрдангга мискин қаландарлар келиб тузингни еса, Чамбилинг обод бўлади. Агар олти ой муҳлатинг ўтиб кетса, мискин қаландарлар келиб сенинг тузингни тотмаса, Чамбилинг нообод бўлади.

Шунда Гўрўғли султон, мадад берган қирқ чилтон жойидан туриб кетди, ўрданинг ичида беш-олти қадам юриб кетди, «Соқи» деб зилла тортди, Соқиға отчопар кетди, баданидан туки совутига кириб кетди. Соқи «лаббай» деб ўрдага кетди. Чамбил мамлакатига эълон қил, деди, Чамбил ҳарбий ҳолатда бўлсин, қирқ олти қўрғонга одам қўйилсин, қайси мамлакатлардан одамлар келса, ўрдага олиб келинсин, Чамбил ўрдасидан туз тотса, Чамбилнинг шу ботирига икки йиллик хирож берилсин, деди.

Шундан кейин ҳамма ботирлар ўзининг қўрғонларида аскарлари билан ўз чегараларини сақлаб тураверди. Шул орада уламо-муллолари китоб кўраверди. Орадан уч ой ўтади, ҳеч натижа бўлмайди, ҳеч бир жойдан меҳмон келди, деб хабар келмайди. Гўрўғли султон тоза танг бўлади, уламо-муллоларига жавоб бериб юборади, тўрт ярим лак туркман эл, қирқ минг уйли қўнғиротда эълон бўлган ҳарбий ҳолат бекор қилинади. Элу юрт жой-жойига қайтиб келади, қирқ олти гала ботирни чақириб, Гўрўғли султон аркони давлатда суҳбат қуради.

Шу вақтда қирқ олти ботирдан бири — Шодмонбек Чамбилнинг бош дарвозасидан навбатчи турар эди. Шодмон қирағай навбатчи бўлиб тураверсин, Гўрўғли султон суҳбатини қураверсин, энди неча кунлар шуйтиб ўтаверсин, маслаҳат қиб Гўрўғли Чамбилда ётаверсин, энди гапни бошқа ёқдан, бошқа мамлакатдан эшитинг.

Туб шаҳар деган мамлакат бор эди. Мунда Сулувхон деган подшо бор эди. Сулувхон ҳам мендан бошқа обод шаҳар оламда йўқ, деб ўйлар эди. Сулувхон ҳам қанча ботир, қанча хизматкор сақлаб, давлатини мустақкамлаб, давру даврон сурган зўр хон эди. Фарзанддан чатоқ эди, бирдан-бир Зулфизар деган қиз фарзанди бор эди. Бу парининг ҳам қирқин қизи минан хизматкорлари бор эди, ёши ўн тўртда бўлган эди, жами илмларни билиб олган эди, халқ донишманд қиз деган эди, тенги йўқ сулув қиз эди.

Бу паризоднинг Ҳилол пари деган онаси бор эди, танглайида холи бор эди. Шу онаси минан паризод маслаҳатлашди:

— Энди мен бўй етдим, менга ҳар ердан совчилар келиб қолса, сизлар нима дейсизлар? Бераман дейсизлар-да. Шунда мен сизларнинг сўзларингиздан ўтмасдан ўз Туб шаҳримда қолиб кетавераман. Энажон, сизнинг берган тарбиянгиз, ақлу маърифатингиз бекорга кетади,— деди онасига.

Шунда онаси:

— Рост айтасан, болам. Бўлмаса нима демоқчисан, сенинг мақсадинг нима?— деб сўрайди.

— Онажон, рози бўлсангиз, мен шундай демоқчиман. Расмимни олсам, бутун мамлакатларга тарқатсам, ўзимнинг донишманд Зулфизарлигимни билдирсам, кўп мамлакатларнинг одамларини кўрсам,— дейди паризод.

Шунда онаси рози бўлади, расмини чиздириб, биринчи — донишмандлик, иккинчи — полвонлик, учинчи — мерганлик, тўртинчи — пойгада ўзишлик каби шартларни қўйиб, ҳамма расмларни отчопар билан бирга барча мамлакатларга юбортиради.

Энди ҳамма жойга хат тарқаб, кетаверсин. Хунхоршоҳ подшолиги Қўҳи Қоф мамлакатининг маркази ҳисобланар эди. Хунхоршоҳ мамлакатининг подшосини Шоҳдор Шаҳаншоҳ дегувчи эди. Бунинг ҳам бисотида бир ўғли бор эди. Бу ўғли ақлсиз, ўқимаган бир саводсиз йигит эди. Дунёдан ғами йўқ, биров изламаган номи йўқ йигит эди. Унинг номи Элтўймас эди.

Бир куни Элтўймас онаси минан эркалашиб уйда суҳбат қураётган эди, паризод қизлардан бири келиб, очмас сандигингизда қирқин қизлар учун керакли кийим бор экан, шунини олайин деди. Очмас сандиқни Элтўймаснинг онаси очади, Элтўймас ҳам бориб сандиққа қараб туради. Қирқин қизларга керакли кийим билан бир қоз ҳам сандиқдан чиқиб қолади.

Элтўймас қоғозни очиб қараса, Зулфизарнинг расми кўради. Шунда хатни ўқий олмай хизматкор канизга ўқитади. Шунда Зулфизарнинг расмига кўзи тушиб, унга ошиқи беқарор болиб қолади, ҳушидан кетиб йиқилади, отасига хабар етади. Отаси ҳелиб, дори бериб, Элтўймас билан гаплашиб турган экан:

Қимга етар қилган додим,
Синмасин менинг қанотим.
Обод бўлсин мамлакатим,
Қулоқ солгин, жон болам,
Нима бўлди паризодим?
Бошингга савдо тушдими,
Ёш ақлинг адашдими,
Ё сенинг ақлинг шошдими,
Тез гапиргин жон болам,
Жонбозлигинг талашдими?
Уйнаб-кулиб даврон сургин,
Мен ўлайин, сен қолгин,
Шошинмайин жойим олгин,
Тез гапиргин, жон болам,
Нима бўлди, баён бергин?
Сени шайтон тутдими,
Кўзингга кўрниб кетдими,
Исми аъзамни сепдими,
Тез гапиргин, ёлғизим,
Парилар бетингдан ўпдими?
Отни майдонда елайин,
Душман бўлса билайин,
Танидан бошин юлайин,
Тез гапиргин ёлғизим,
Айтганингни қилайин.

Ҳушини йиғиб олгандан кейин Элтўймас жойидан туриб, отасига Зулфизарнинг расмини кўрсатди. Расми кўриб отаси, мақсаднинг нима, деб сўради. Элтўймас отасига қараб, мана шу парини олиб берасан, деб айтди.

— Ҳамма парилар Кўҳи Қоф мамлакатидан чиқади. Туб шаҳар мамлакати араб бўлади, қора бўлади, сенга бошқа яхши пари қизлардан олиб бераман.

Элтўймас отасининг айтганига кўнмайди:

— Менга сенинг Кўҳи Қофдаги париларинг керак эмас. Зулфизар парини олиб берсанг — олиб бердинг, олиб бермасанг, ўзимни минорадан ташлаб ўлдираман, — дейди.

Шунда Шоҳдор Шоҳаншоҳ ўғли Элтўймаснинг айтганига ноилож кўнади. Тезлик билан ўнг қўл, чап қўл вазирини чақиртириб, ботир маҳрамларини чақиртириб, Туб мамлакатига элчиликка борадиган одамларни тайинлайди.

Элчиларнинг қўлига нома ёзиб беради. Бу номада шундай сўзлар ёзилган: «Бу элчилар совчи таърифоти билан юборилди. Туб шаҳар мамлакатининг подшоши Сулувхонга. Қизингиз бўлмиш Зулфизарни бизнинг ўғил бўлмиш Элтўймасга берсангиз. Агар қизинг бермансанг, мамлакатингга лашкар юбораман, одамларингни ўртатаман, тупроғингни ғалвирдан ўтқараман».

Элчи-совчилар жўнашга тайёр бўлди, изидан сонсиз аскарни отлантиришга тайёрлаб қўйди. Қани, берадимибермайдами, деб хабар келишига интизор бўлиб турди бу лашкар.

Элчи-совчилар Туб шаҳрига борди. Халқнинг олдида қабул маросими бўлади. Шунда Сулувхон совчи хабарни Зулфизар қизига, Ҳилол пари ёри қора кўзига маълум қилади. Шунда Зулфизор отасига шундай гапларни тайинлайди:—Эличидан уч ой муҳлат тиланг, уч ой муҳлатдан кейин, майли, розимиз деб жавоб беринг,— дейди.

Элчи-совчиларни саройга таклиф қилиб, уч ой муҳлатни маълум қилади. Шу муҳлат хабари Шоҳдор Шаҳаншоҳга кетади. Энди Сулувхон шу муҳлат билан жимиб ётаверсин, шу куннинг ўзида Зулфизар отасини ўрдадан чақириб, Ҳилол пари, Холдор тўрталаси маслаҳатлашади:

— Энди, ота, мана шундай. Дунёда тўрт бурчак бор: кун чиқар, кун ботар, юқори, адоқ деган. Шунинг бир томонида Чамбил деган мамлакат бор. Улар ҳам сиздайин обод мамлакат эмиш. Шуларнинг ҳам қирқ олти гала ботири бор. Аваз деган марди бор, Ҳасан деган полвони бор, полвонлар таслим бўлгани бор, ҳамма ҳайрон қолгани бор, ёмонни олгани бор. Шу Чамбил мамлакатига қаландар бўлиб бориб меҳмон бўласан. Гўрўғли султони бор, мадакдор чилтони бор. Гўрўғли султонга бошимизга тушаётган балодан хабар берасан, дўст бўлсанг, мени шу балодан қутқарасан. Қизим бўлмиш Зулфизарни Чамбилга келин қиласан, бир ботирнинг ўғлига берасан дейсан. Сулувхон хўп деб, хотини минан қизининг айтганига кўниб, вақтдан фойдаланиб, Оқтавон деган оти бор эди, у отнинг қаноти бор эди. Ана шу отини миниб, қаландар сифатида «ҳайё-ҳуй»

деб, Чамбил мамлакатига жўнаб кетади. Ана, Сулувхон қаландар кийимида Чамбил мамлакатига жўнаб кетаверсин, энди навбат Чамбил мамлактига келаверсин.

Чамбил мамлакатида ботирлар маслаҳат қилишиб, нима бўлди, бахтимиз қайтаяптими, давримиз ўтаяптими, дейишаверди. Шу вақтда Ҳовдак қўлидан, Арпа чўлидан, майдон йўлидан дубулға кийган бошига, чор ойна тортган тўшига, ишонар қилган ишига, келаяпти бир отлик, тўғри Чамбил қўшига. Шодмонхон қирағай миноранинг устига чиқиб, икки кўзига дурбинни қўйиб, тева-ракка қараб ётган эди. Шу пайтда Чамбилга келаётган якка отлиқни Шодмонбек кўриб қолади.

Шодмон қирағайнинг қирағайлиги аркони давлат синовидан ўтган эди. Чамбил шаҳрига қирағайлик ҳисобига кирган эди. Шунинг учун Чамбил эл Шодмон мерган деб айтгувчи эди. Олти ойлик йўлдан тулкини кўрса, эркак-урғочилигини билгувчи эди, қуш кўринса, узоқдан кўзига ургувчи эди. Шунинг учун Чамбилда донғи кетган мерган эди. Келаётган отлиққа дурбин ташлаб қарайди, куннинг шапағи билан, от ҳайдашнинг чанги билан, бошида дубулғанинг сояси билан келаётган меҳмоннинг эркак-урғочилигини айира олмайди.

Алқисса, меҳмон Чамбилнинг дарвозасига келиб қолди, келганини Шодмонхон билиб қолди. Минорадан тушиб, дарвозанинг қоровулхонасига келиб, меҳмон минан учрашди. Келган меҳмон дарвозанинг очилишини талаб қилаётир, Шодмон қирағай қайси мамлакатдан келдинг деб сўраётир, икковининг ўртасида савол-жавоб бўлаётир:

Келган ботир, жасадинга қарайман,
Тўғри бўлсанг, инсонликка ярайман.
Келишингни баён бергин баякбор,
Қайси элдан келганингни сўрайман?
Бир хил жойда мергандайин хезладинг,
Минган отинг қарчиғайдай созладинг,
Келганингни баён бергин баякбор,
Узинг, ботир, қандай элни изладинг?
Ҳисобдонлар ҳисоб олар ҳар ойдан;
Мард йигитлар мадад олар худойдан,
Минибсан юлдузни кўзлаган тойдан,
Узингни кам демай минг қўйли бойдан,
Келишингни баён бергин, бўзўғлон,
Юлдуз ўнглаб чиқдинг қайси саройдан?
Юришингда кўнглинг тўлар ўзингдан,
Ийманасан элдан еган тузингдан,

Келишингни баён бергин, бӯзўғлон,
Юлдуз ўнглаб чиқдинг қандай дузингдан?
Қулоғим-ла эшитайин додингдан,
Жон қутилмай жонингдаги зотингдан.
Товдан баланд бўлган шамшод қаддингдан,
Келишингни баён бергин баякбор,
Юлдуз ўнглаб чиқдинг қайси юртингдан?

Шунда Сулувхон Шодмон қирағайга қараб жавоб бераётир:

Отни майдон-майдон аро еламан,
Ўз элима доим хизмат қиламан,
Келишимни баёни қилай, мард йигит,
Чамбил элга Туб шаҳридан келаман.
Миниб чиққанман-да шундай ҳайвонни,
Қабул қилгин мендай улуғ меҳмонни,
Томошага келдим Чамбил томонни,
Биламан-да, яхши минан ёмонни,
Дарвозани очиб бергин мард ўғлон,
Мендан ўйламагин ёмон гумонни.
Миниб келдим шундай лайли молини,
Юриб келдим қанча узоқ йўлини,
Дарвозани очиб бергин баякбор,
Кўрмак учун келдим Чамбилбелини.
Миниб келдим шундай лайли бўзини,
Кейинроқ танитар меҳмон ўзини,
Дарвозани очиб бергин мард ўғлон,
Татиб кўрай Чамбил элнинг тузини.
Миниб келдим лайли тулпоримни,
Абомуслим қолдирган тулпорини,
Дарвозани очиб бергин жон дўстим,
Кўришга келганман Чамбилнинг шунқорини.
Кўрсатса, кўрарман қирқ чилтонини,
Кўрайин Чамбилнинг шул арконини,
Бир кўрайин Гўрўғли саркорини,
Кўрайин ёнида қирқ навкарини.
Дарвозани тез очинг-да, жон дўстим,
Кўрайин Чамбилнинг шул султонини.

Шунда Шодмонхон дарров дарвозани очди, дарвозанинг олдидаги одамлар туриб қочди. Меҳмоннинг отини жиловидан ушлаб, рост кўчага — Чамбилнинг аркони давлатига қараб йўл бошлаб, аста-секин қадам ташлади, ниҳоят Чамбилнинг қирқ бир зинапояли аркони

давлати кўринди, келаётган меҳмон тез етишга уринди.

Чамбил азим шаҳарлигини меҳмон билади, кўп гапларни ўзича ўйлаб келади. Шодмон қирагай меҳмонни олдин бек Соқига дуч қилади. Бек Соқи меҳмоннинг отини қабул қилиб олиб, Чамбилнинг Ғироти турадиған Оқсаройга олиб бориб, Ғиротнинг ёнига бойлатади, меҳмоннинг отига беда минан дон-сув тайлатади. Шуннан сўнг бек Соқи меҳмонни қирқ бир зинапоёли Гўрўғлининг гул чоптирган меҳмонхонасига олиб чиқади. Шунда Гўрўғли султон, мададкор бўлган қирқ чилтон, қирқ олти йигити минан маслаҳат суҳбатини қуриб ўтирган эди. Улуғ мартабали меҳмонни шу хонага киритиб юборади.

Шунда меҳмон ҳамма ўтирганлар билан яхшилаб саломлашади, улар меҳмонни тўрга ўтказиб юборадилар. Меҳмон Гўрўғлининг ўнг томонидан Авазхоннинг ёнидан бориб ўтиради. Авазхон «маҳрам» деб зима тортади, меҳмоннинг иззат-икромига таом тортилади. Мама, меҳмонни иззат-икром қилиб таом тартаётган вақти:

Утди дунём, чиқди жон,
Ҳар гиёҳдан тердим дон.
Азизим, деб олиб келди,
Аввал ташлади дастурхон.
Фидо қилган жонини,
Азиз тутган меҳмонини,
Азиз меҳмон, олинг дейди,
Оп келди ширмой нонини,
Раҳмоннинг дўсти сизу биз.
Сарғаймасин нурли юз.
Боз изидан олиб келди
Ҳам сояки майда майиз.
Ёлғизлигим қилди ситам,
Маҳрамнинг қўлида тилло жом.
Оп келинг дейди дам-бадам,
Маҳрам босар чопиб қадам.
Келган меҳмон ёлғиз одам,
Азиз меҳмон, олинг, дейди.
Боз устидан олиб келди,
Ҳам чақилган писта, бодом,
Эшитинг марднинг додини,
Қилаётир иззатини.
Иззат минан ҳурматини,
Боз устидан олиб келди,
Ушатди кама қандини.

Боз устидан олиб келди,
Чайнамай шиминг новвотини.
Меҳмонга очди қучоқди,
Мардлик бўлади нечоқли.
Боз устидан олиб келди,
Мусаллас минан печакди.
Обод қилиб Чамбил элди,
Иzzатини меҳмон билди.
Боз устидан олиб келди,
Мураббومان асал-болди.
Обод қил Чамбил қўшини,
Иzzат қилиб дарвешини.
Боз устидан олиб келди,
Девзира биринчдан ошини.
Боз устидан олиб келди,
Тандири ширбоз гўшини.
Обод қил Чамбил жойини,
Қилаётир шулар сийини,
Ким билар меҳмон ўйини,
Буни айтади бахшилар,
Яхшилаб дўмбира куйини.
Боз устида олиб келди,
Тўқсон беш аччиқ чойини.
Овқатлар яхши ейилди,
Пиёлага чойлар қуйилди,
Суҳбатлар яхши қурилди,
Ҳамма овқатдан тўхталиб,
Энди гурунгла қилинди.

Шунда Авазхон меҳмонга қараб, асл авлод-аждо-
дингдан хабар бер, деб сўраб турган экан:

Отни майдонда елибсан,
Чамбилни орзу қилибсан,
Туб шаҳридан келибсан,
Рост гапиргин, меҳмонжон,
Нима мақсадни қилибсан?
Бажарилсин талабинг,
Мардга ўхшар сиёфинг.
Рост гапиргин, меҳмонжон,
Олтиндандир туёфинг,
Қандайдир сенинг зотинг,
Туб шаҳар экан равотинг,
Рост гапиргин, меҳмонжон,
Нимадир сенинг авлодинг?

Меҳмоннинг жавоби:

Каторида қора нор,
Юрган изинг бўлар гулзор.
Авлодимни сўрасанг,
Жаҳонгашта шоқаландар.
От сотувчи-нетувчи,
Меҳмон бўлиб ўтувчи,
Ошна, билиш тутувчи,
Мени сўрасанг, Авазжон,
Савдогар от сотувчи.

Авазжон, бўлмаса отингизни кўриб келайин, деб меҳмонхонадан чиқиб кетади. У таблахонага кириб, дол Ғирот билан бирга турган отни кўради. Меҳмоннинг оти, кўриниб турибди қўш қаноти, юлдузни кўзлаган нияти, Чамбилнинг Ғирига қараганда, кўриниб турибди бир ярим қанот зиёти.

Авазжон меҳмонхонага меҳмоннинг отига иссиқ ошга кўнгли кетгандай бўлиб қайтди. Авазжон келиб:

— Қани, отингни нархини айт,— дейди меҳмонга.

Шунда меҳмон:

— Мен Чамбилга отимни сотишдан олдин учта ният билан келганман. Бири — отимни Гўрўғлига тортиқ қилиб берсам, у билан ота-бола бўлсам,— дейди.

Шунда Гўрўғли султон:

— Бундай дема, бўзўғлон. Сенинг отингни мен совага олсам, тўрт ярим лақ туркман эли, қирқ минг уйли қўнғирот эли кулади. Мана, Гўрўғли султон қариганда дунёпараст бўлибди, дейишади. Шунинг учун сен минан ота-бола бўлиш отсиз ҳам бўлаверади. Отингни сотар бўлсанг, оғзингга сиққанича айтавер. Отингни ботирлар оладиган бўлса, рози бўлавер,— дейди.

Меҳмон:

— Ниятимнинг иккинчиси — Авазжон минан ёр-дўст бўлиш учун отимни сотсам,— дейди.

Шунда Авазжон меҳмоннинг оғзини қайтариб:

— Ундай дема, меҳмон. Мен сенинг отингни оладиган бўлсам, Чамбил эли гап қилади: Авазжон от олибди, зот олибди, энди ота юрти Доғистонга кетади, деб гумон қилади. Шунинг учун отингни олмасдан ҳам дўсти беғараз бўлавераман, отингнинг нархини айтавер,— дейди.

Меҳмон:

— Шу отимни қирқ олти ботирнинг барчасига совғага берсам қайтади?— дейди.

Шунда қирқ олти гала ботирнинг ҳаммаси жим бўлиб қолади. Шу пайт Юсуфхон ботир жойидан туриб кетади, эғнидаги туки совутига кириб кетади:

— Меҳмон, яна бир гапир. Яна бир гапирсанг, тилингни кўмакайдан суғириб ташлайман. Сенинг отингга биз зорми, ўзимизнинг отимиз бор, Чамбил деган юртимиз бор, Чор тувли Чамбил деган иззатимиз бор, қирқ олти гала ботир хизматимиз бор,— дейди.

Шунда меҳмон:

— Майли, бўлмаса, кўп қўймадиларинг, энди сизларга отнинг нархини айтайин,— деб қўлига тилла дурторни олиб, ҳар нағмага солиб, қирқ олтига қараб, оёғини тираб, отини мақтаб, нархини айтиб, таърифлаётган экан:

Бир отим бор отилар,
Қамиш қулоқ чотилар.
Чини билан қалаб қувса,
Товларда қулон тутилар.
Чини минан қалаб қочса,
Милтиқ ўқидан қутилар.
Қачон шаҳаринг бозори,
Нархи чиқса, Чамбилда сотилар.
Олар бўлсанг отимни,
Эшит айтган додимни.
Қулоқ солгин, Авазхон,
Хатлаб бергин юртингни.
Олар бўлсанг, Авазхон,
Даллолга бергин молингни,
Хатлаб бер Чамбил дўзингни,
Чамбилда қирқин қизингни.
Олар бўлсанг, Авазхон,
Даллолга бергин бўзингни.
Хатлаб бер Чамбил жойингни.
Олар бўлсанг, Авазхон,
Сотиб бер лайли тойингни.
Ўйнаб давронлар сурайин,
Кучинг борлигин кўрайин.
Гар айтганим қилсанглар,
Отимни сизга берайин.
Хатлаб бер Чамбил аркингни,
Қиласан элдан таркингни.

Олар бўлсанг, Авазхон,
Эшитдинг отнинг нархини.

Шунда қирқ олти гала ботир, ҳаммаси ҳайрон бўлиб ётир, қолмади бу ерда юз-хотир, меҳмон бунда кўп гапни айтиб ётир, меҳмоннан ботирлар қайтиб ётир.

Авазхон отасига қаради. Гўрўғли султоннинг феъли бузилиб, меҳмоннан кўнгли узилиб, ундан кечмакчи бўп, аччиғи келиб қолган қонини ичмакчи бўп, ғайрати келиб қолди меҳмонга кафан тўнин бичмакчи бўп.

Шунда Авазхон отасининг аччиғи келганини билди, отасига қараб:

— Ота, бул ишимиз хато. Хон айтмайди, айтганидан қайтмайди. Сиз билан биз меҳмонни отининг нархини айтишга мажбур қилдик. Биз Чамбилнинг бозорида эмас, бозорнинг устидан ҳукм чиқарадиган аркони давлатида турибмиз. Шунинг учун ҳар кимнинг ўзининг оти, фикри маслаҳати: биров бозорда бир дейди, биров бозорда минг дейди. Нарх айтишда талаш бўлади, камзиёд айтиш, сўраш бўлади. Шундан қилиб охири бир нархга келади. Энди бу меҳмон отини қанча таърифласа ҳам, ўзининг иши, биз ҳам отини оламизми-олмайми, бу — бизнинг ишимиз,— деди.

Авазхоннинг гапларини Гўрўғли султон маъқул кўрди. Агар Авазхон шу гапларни гапирмаганда, Гўрўғли султоннинг «меҳмонни дорга торт» дейишига сал қолган эди. Авазхоннинг гапи билан Гўрўғли султон сўзларидан қайтди. Шунда Авазхон меҳмонга:

— Сен улуғ меҳмонсан. Сенинг сўзингча, минган отинг югурук бўлди, егани бовир минан қуйруқ бўлди, отингни олишга, нархини айтишга буйруқ бўлди. Бизнинг Чамбилдаги Ғиротимиз бор оғзи қийшиқ ёби, қул қуйруқ бўлди. Майли; сен айтганча бўлаверсин. Меҳмон сенга бир маслаҳатим бор,— деди.

Меҳмон:

— Қандай маслаҳатинг бор,— деди.

Авазхон:

— Маслаҳатим шундай. Сенинг югурик отинг бизнинг қул қуйруқ отимизни пойга қўйдирсак, нима дейсан?— деди.

Шунда меҳмон:

— Раҳмат, Авазхон. Мана шундай мард йигитнинг ишини қилиш керак. Майли, Гўрўғли султон, Чамбил мамлақати рози бўлса, пойга қўямиз,— деди.

Авазхон отасидан имо билан сўради. Отаси пойга

қўйишга рози бўлди. Меҳмон Гўрўғлининг рози бўлганини сезиб, Авазга қараб айтди:

— Қани, отлар минан пойга қўямиз, қуруқ от чопаверамизми, буларнинг меҳнатига бирор нарса қўямизми?— деди.

Шунда Авазхон:

— Майли, сиз меҳмон, нимани лозим кўрсангиз, шуни қиламиз,— деди.

Ҳали ўртага қўядиган нарсалар номаълум, меҳмон минан Авазхон ёш сўрашиб қолишди. Авазхондан меҳмон икки ёш катта чиқди. Шунда Авазхон:

— Бундай ишлар каттадан бўлади,— деди.

Меҳмон:

— Уйимда бир қизим бор, ёши ўн тўртда бўлган, жамоли ойдайд тўлган, қуръон китобни сув қилиб олган, ҳамма унга қойил қолган, мана лозим кўрсангиз шу қизимни ўртага қўйдим,— деди.

Авазхон ўрнидан туриб, меҳмоннинг айтган гапларини «қуллуқ» деб қабул қилди. Бир-бири билан беллашаётгандай Авазхон ҳам:

— Менинг ҳам Гулнор деган қизим бор, шуни ўртага қўйдим,— дейди.

Шунда меҳмон:

— Оббо, сени мард деб эдим, номард экансан, лўвияхўр туркманларнинг таъсири урган экан. Нима учун деганингда, мен қиз қўйганда сен ўғил қўйсанг, мен сени мард дер эдим,— дебди.

Шунда Авазхон туриб меҳмоннинг гапини тўғри тушунади, ўзи қанча шишинади:— Меҳмон, тўғри гапирдинг, олдинги сўзимдан қайтаман, янги сўз айтаман. Тавба қилдик. Нурхонбек деган ўғлим бор, мана мен шу ўғлимни ўртага қўйдим,— дейди.

Ана шунда меҳмон худди шундай бўлиши керак, деб Авазхонга қойил қолди. Меҳмон билан Авазхон пойгага тайёрланди. Ун кеча-кундузлик пойганинг ораси Асқартов деб белгиланди.

Шунда қирқ олти гала ботир олдига Гўрўғли султоннинг юзма-юзиде икки ботир жавоблашиб, Чамбилдан чиқиб кетаверсин, Гўрўғли султон натижани кутиб ётаверсин.

Тоғнинг боши ёноди,
Кўзи ўтдай ёноди,
Яратган ўзи паноди,
От минади ботирлар,
Урадан норман жўнади.

Ой нечага-нечага,
Қаранг ик¹ бойваччага,
От ҳайдайти ботирлар,
Ғишт терилган кўчага.
Минади бедов отига,
Қамчи қўяди чотига,
Тили сиғмайди уртига,
Қарамас асло кетига,
От ҳайдаб борди йигитлар,
Чиқди Чамбилнинг сиртига.
Гап келганда тозадан,
Дуо тилаб муртазодан,
Ботир тўймайди ғазодан,
Отини ҳайдаб жўнади,
Чиқди ўттиз икки дарвозадан.
Гап келганда тилига
Минди бедовнинг белига,
От ҳайдайти ботирлар,
Тангримнинг шул чўлига.
Осмон кўрки ой минан,
Йигит лайли той минан.
Отини ҳайдаб ботирлар,
Ўтар неча сой минан.
Минган лайли Ғир минан,
Ҳазиллашманг пир минан.
Отини ҳайдаб боради,
Ўтар неча қир минан.
Меҳмон борар майдонда,
Аваздай ғуччоқ минан,
Икки ботир боради,
Мингани лайли кўк минан.
Тўғри ҳайдаб боради,
Баланд-баланд тов минан.
Отни ҳайдайти ўрмонда,
Иккови ҳам ўйлайди,
Бўлмайти деб шарманда.
Минди яхши хол минан,
Чивиннинг қасди кал минан,
Ҳайдаб борди ботирлар,
Адо бўлмас йўл минан.
Олис бўлган ораси,
От чопилса, ёронлар,
Гумбирлар товнинг дараси.

¹ Икки.

Иигитни ингрантирар
Тегса найзанинг яраси.
Ори учун от чопади,
Икки давлатнинг тўраси.
Қўриниб қолди, ёронлар,
Асқар товининг қораси.
Ўн кеча-кундуз ўтади,
Ўзини шодмон тутади.
От ҳайдашиб ботирлар,
Асқарга яқин етади.

Шунда иккови бир булоқнинг устидан бориб қолади. Бундан олдинроқ иккови ҳам отни сийраклатиб ҳайдаб совутишган эди. Иккови ҳам отларини булоқ сувига бошқаради. Икковининг оти сув ичаверсин, Авазхон меҳмонга гап қотади:

— Шу ерлардан пойга қўйсак қандай бўлади?

Меҳмон Авазга:

— Биз томонларда бизга ўхшаган, сизга ўхшаган полвон йигитлар ўғил-қизларига тўй-маросимини ўтказди. Шунда овға қирли ёбилар минан шунча ердан пойга қўйишади. Ўша отларни бу отларга тенг қилсанг, майли, шу ердан пойга қўйсак, қўяверамиз,— деди.

Авазхон меҳмоннинг гапидан англадики, бу отлар оддий отлар эмас экан. Шунда яна бир кеча-кундуз йўл тортиб, Асқарнинг устига чиқиб, Оқ булоқ деган жойга етди. Иккови ҳам отидан тушмасдан отларини булоққа бошқарди. Олдиндан келишиб олганларига мувофиқ ўн кеча-кундуз муҳлат билан бир-бирларидан айрилиб кетишди. Иккови икки жойда отини совутиб, ўн кеча-кундуз ўтади. Эрта минан тонг отган пайтида тайин қилинган мазгилга етишади. Иккови бир-биридан «тайёрмисан» деб сўрашади.

Шунда меҳмон Авазнинг мард-номардлигини синаб олиш учун гап қотади:

— Аваз, сен мендан икки ёш кичик экансан. Шунинг учун сен икки кун олдин кет, ўзинг Чамбилга бош экансан, яна сен ўртага ўғил қўйдинг. Сенинг отинг олдин ўзиб борса, одамлар: «Ҳа, бинойи бўлди, Авазхон от ўздириб, ўғлига пари қиз олиб берибди»,— дейишади.

Авазхон бу гапга ҳайрон қолади. У ҳам меҳмонга қараб сўз қотади:

— Сен бундай ғалати гапларни гапирма, чунки Гўр-ўғли султон мени олти ёшимдан олиб келиб, қўрқмас, ҳурқмас, енгилмас ботир қилиб тарбиялади. Ўн тўрт ёшимдан қирқ чилтон билан учраштирган, Гўрўғли би-

лан чилтонлар суҳбатида бўлганман, қирқ чилтон олди-да Гўрўғли султон дол Ғиротни менга берган. Ҳаммаси биргалашиб менга дуо беришган дейишади, шундан бери отам менга ишонган, Шунинг учун менга бундай гапларни гапирма, майли, биргалашиб от чопамиз.

Меҳмон бу гапларни эшитиб:

— Бўлмаса, сен ҳам йигит бўлибсан, Чамбилга хизмат қилибсан, билак гўштинг тўлитибсан, чаккангнинг гўшти чакчадай бўлибди, ўзинг Чамбилга бекачдай бўлибсан,— дейди ва Аваздан кўнгли тўлиб, Авазнинг меҳмондан кўнгли тўлиб, чиккови ҳам отининг жиловини Чамбилга қаратиб баб-баравар от қўйишди.

Иккаласи ҳам от жиловини қўйиб юбориб, от ҳайдаб бораверди. Олти кеча-кундуз бирга от чопишди. Шунда меҳмон Авазга айтди:

— Отингнинг чопиши шуми ёки бундан бошқа зиёдроқ ҳаракати борми?

Авазхон айтди:

— Отимнинг бир ҳаракати шунча.

Меҳмон айтди:

— Ундай бўлса, сенинг иззатингга қараб олти кундан буён от жиловини сақлаб келяпман. Ишонмасанг мана, қўлимга қара.

Авазхон меҳмоннинг қўлига қаради, ҳақиқатан ҳам югани тортиб сақлаган, юган этига ботиб кетган, гўёки суягига етган. Меҳмоннинг бунчалик ташвишда бўлганлигини сезиб, Авазхон айтди:

— Раҳмат, иззатингга. Менинг отимга қараб турма, жиловини қўйиб юбор.

Шунда меҳмон Авазнинг розилигини олиб, отининг жиловини қўйиб юборди. От зиён шамолдай йўқ бўлиб кетади. Меҳмон отида чопиб кетаверсин, энди гапни Аваздан эшитинг.

Авазхон дол Ғиротга қаттиқ қамчи босиб, «Нурали қўлдан кетадими, жонивор. Меҳмоннинг сендан ўтадимми, жонивор», деб отига қаттиқ қистов бериб, ҳайдаб бораётган вақти:

Чу-ҳа, дейман, дол Ғирот,
Устингда Аваз омонат.
Сени минган топар мурод,
Жонивор, олдин еткаргин,
Еминг — кишмиш, тўрванг — банот,
Чамбил элга борган сўнг,
Кумушдан қозиқ қоқтирай.

Кишмишдан овқат тўктирай,
Бек Соқига, ҳе жонивор,
Олти ой тугал боқтирай.
Кўнгли ўсиб юрсин деб,
Парилардан ўптирай.
Бир майдон югур, жонивор,
Одамдай ақлли тулпор.
Чатанинг чор дарадай,
Умганинг зўр дарадай,
Совринг силаб қарасам,
Чамбилда кўргон қалъадай.
Оғзинг очиб югуришинг,
Ғойибдан чиққан балодай.
Баданингдан оққан тер,
Саврда қуйган жаладай.
Жонивор, еткар эртарак,
Сен Чамбилга бўлсанг керак.
Босиб кетган изларинг
Мисли карсон овузидай.
Тошнинг майда ушаши
Мисли Хомконнинг тузидай,
Устингдаги, жонивор,
Авазхоннинг ўзидай.
Дирка-дирка ўйнашинг
Яйловда юрган кўзидай.
Адирдан ошиб боришинг
Тулкини кўрган тозидай.
Калла чайқаб боришинг,
Порани еган қозидай.
Жонивор, еткар эртарак,
Сен Чамбилга доим керак.
Меҳмон олдин борган сўнг
Чамбил сенга кулади.
Унинг зиёдалигини
Қараб эллар биледи.
Ғайрат қилгин, жонивор,
Нурали кетса қўлимнан,
Сенга уят бўлади.
Мард йигитнинг ёли бор,
Уялгани — ўлгани.
Боғлардаги гулларнинг
Шодон бўлиб сўлгани,
Тез югургин, жонивор,
Сенга уят бўлади,
Меҳмоннан кейин қолгани.

Тез югургин, жонивор,
Меҳмон оти ўтмасин,
Сендан олдин етмасин,
Нурали қўлдан кетмасин,
Сени кейин қолди, деб
Халойиқ уят қилмасин.
Оёғинга қарасам,
Келинлар пишган кувидай.
Оғзинга ўзим қарасам,
Аллопларнинг қопидай.
Туёғиннинг сахтлиги,
Келининг йўғон сопидай.
Тез югургин, жонивор,
Сен ақллисан, тулпор.
Жасадинга қарасам,
Қарчиғайдай букилар.
Ғайрат қилсанг, жонивор,
Бадандан тер тўкилар.
Бурнингдан чиққан ҳовринга
Тоғларда арча йиқилар.
Бир майдон югур, лайли бўз,
Ғам тортмасин Чамбил-дўз.
Сиеғинга қарасам
Қирқ олти ботир тўяди.
Сенинг босган туёғинг
Тошни чуқур ўяди.
Баданингнинг ҳоврига
Тоғларда қовдон куяди.
Иззатинг кўп, жонивор,
Эртарак борсанг, Ғирот,
Нор туяни сўяди.
Жонивор, еткар илгарирак,
Сен ҳар доим бекка керак.
Тўлганакан осмон ойи,
Чу-ҳа, отам тарсон тўйи.
Мададкор бўлсин худойи,
Вайрон бўлмасин саройи,
Жонивор еткар илгарирак,
Сен Чамбилга доим керак.
Мақтайди лайли молини,
Тортади майдон йўлини,
Юттириб қўйса Нурхонни,
Шарманда Чамбил элати,
Чу-ҳа, дейди, Ғиротни.
Ғирот селдона отди,

Уйқу қабоққа қотди.
Тўрт шабиранг йўл тортди,
От ҳайдайди Авазхон,
Чамбилга яқин етди.
Баланд товнинг бастидан,
Азройил жоннинг қастидан.
Доим банда азоб тортар,
Елғончининг дастидан.
От ҳайдаб борди Авазхон,
Тўғри Чамбилнинг устидан.

Шундай қилиб Авазхон Чамбилнинг бош дарвозасига етиб бориб, дарвозабонман саломлашиб, аликлашиб:
— Яқин атрофда бир якка отлиқ меҳмон келиб Чамбил ичкарасига кирдими?— деб сўрайди.

Шунда дарвозабон:

— Мен ҳар уч кунда дарвозабонлик қиламан. Аввалги уч кунликда бир якка отлиқ Чамбил ичкарасига кириб кетган эди. Ҳозир уч кунликка келганимда ҳеч ким келмади,— деб жавоб берди.

Авазхон дарвозабоннинг сўзига ишонмай дол Ғиротнинг устидан тушиб, дарвозадан ўтган жойни кўздан кечиради. Ҳақиқатан ҳам якка отлиқнинг изи қорсондай ўйлиб ичкарига кириб кетганлигини кўради. Шунда Авазхон ғамгин аҳволда шапарлигидан тушади:

— Вой аттанг-а, Чамбилда ёлғизлигим билинди-да, Нуралибек қўлдан кетадиган бўлди, ёлғиз кишига мансираш нотўғри экан, Чамбилнинг ору номусига ўзим бекор мағруландим, кўтармалик қилиб меҳмон билан пойга қўйишга чиқдим, бу қилган ишим бекор бўлди,— деб қилган ишларига пушаймон бўлади.

Авазхон ўйлай-ўйлай Чамбилнинг аркон давлатига равона бўлади. Қараса, аркони давлатнинг Оқсаройи одам билан лиқ тўла бўлади. Тўрт ярим лак туркман эли, қирқ минг уйли қўнғиротдан вакиллар келган экан. Меҳмоннинг уч кун илгари келганлиги маълум бўлади, Нуралининг ютилиши халойиққа жар чақиртирилиб эълон қилинади.

Олдин келган меҳмон Гўрўғли билан Авазхоннинг келишини кутиб турган эди. Қирқ олти гала ботир мотам тутган. Авазхон халойиқнинг кўзига кўринади. Халойиқ шод эмас, мотамда турарди. Шунда меҳмон билан Авазхон дуч бўлиб саломлашади.

Меҳмон:

— Уч кун бўлди, сенга қараб ётганимга, шартлашган омонатимни бер, кетаман,— дейди.

Авазхон Шодмон қирағай ошнасини чақириб олади ва унга буйруқ беради:

— Мактабда ўқиб турган мулла Нуралини олиб кел.

Шодмон қирағай хўп, деб, мактабга боради. Дарвозанинг бошидан Нуралини чақиртириб олади. Шунда Шодмон билан Нуралибек гаплашиб турган экан:

Утди дунёнг, чиқди жон,
Ҳар гиёҳдан тердинг дон,
Гапиради Шодмонхон,
Уйингга келди меҳмон,
Тайёр бўл, энди Нурхон,
Қурисин гапнинг равиши,
Қандай бўлар бекнинг иши,
Нуралибек деб чақирар,
Шодмонга ўхшар довуши.
Тайёр бўлгин, деб, сўзлар,
Нуралига етди товуши.

Нуралининг жавоби:

Осмон кўрки ойдан,
Фикр минан ўйдан.
Гап эшитди Нуралибек,
Хабар кепти уйдан.
Ё пирим, деб, бек Нурхон
Учиб турди жойидан.
Чечан тилин бурайди,
Гапни гапга улайди.
Қулоқ солинг, устоз, деб
Устоздан жавоб сўрайди.
Қандай бўлар менинг ҳолим,
Очиқмикан юрар йўлим,
Бандани додлатган ўлим,
Дунёнинг ўтиши зулм,
То кўргунча хуш қол энди,
Илму адаб берган малим.
Утган гапни борлабди,
Ёлғончиси қурисин,
Эски бўлиб кирлабди,
Жавоб беринг, муаллим.
Авазхондай бек отам
Келсин дебди, чорлабди.
Очилган гулу лолалар,

Устирган ота-оналар,
Қуламай Чамбил қалъалар,
Уқиган одам билар,
Бўлмади ҳеч бир ҳийлагар,
Хуш қол энди мактабда
Уйнаб-ўсган болалар.
Эшик олди шўралар,
Юрса, оёққа ўралар,
Ҳали пишмаган ғўралар,
Уйнаганда йўлдошлар,
Гапирганда сирдошлар,
Ота-бобо пирдошлар,
То кўргунча хуш қол энди,
Мактабдаги синфдошлар.
Сув келар дўлаб-дўлаб,
Марднинг кўнгли истар талаб,
Гапирди Нурали анталаб,
Гапирди ярим йиғлаб.
Муаллимдан жавоб сўраб,
Уқувчилар қолди қараб,
Шундай қилиб Нуралибек
Муаллимдан олди жавоб.
Хулкар билан тарози,
Тонг-ла бўлар худо қози,
То кўргунча хуш қолинглар,
Ёру дўстлар, бўлинг рози.
Ҳаммаси маълум бўлади,
Ишига ҳайрон қолади.
Сўзлаётир Нуралибек,
Ҳаммадан жавоб олади.
Энди кетар Нуралибек,
Уқиган бирга дўстлари
Ортидан қараб қолади.

Шундай қилиб, Нуралибек муаллими, жўралари билан хушлашибди. Гулнор опаси ҳам мактабда бирга ўқир эди. У ҳам Нурхон билан биргалашиб мактабнинг ҳовлисидан чиқди. Шодмон мерган билан учаласи ўзларининг мазгилхоналарига етиб келишди. Авазхоннинг мазгилхонаси ҳам Чамбил мамлакатининг аркон давлати Оқсарой атропофида жойлашган эди.

Шунда Нурали қирқ бир зинапоjali кўшк жойлашган Оқсарой ҳовлисига киради. Ана шу пайт Авазхондай қиблагоҳ отаси, оқ сут берган Узумкўздай онаси Нуралибекни кутиб олади. Нуралибекни кўргандан ота-

онасининг кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, кўзидан қатор-қатор ёши тизилиб, иккаласи Нуралибекни тўшига босиб, ёлғиз болами жигарим деб, сендан бошқа йўқ эди дигарим, деб Нуралибек билан розилашаётган пайти:

Куйган банда гап сўрайди тилидан,
Кетар бўлдинг энди Чамбил элидан.
Жудо бўлдим сендай танҳо улимдан,
Икки дунё рози бўлгин, жон болам.
Кетар бўлдинг, ёлғиз болам, қўлимдан,
Отни майдон-майдон аро елади,
Энди Чамбил шаҳар вайрон бўлади.
Сен кетган сўнг Чамбил элдан, ёлғизим,
Ҳар эрталаб саломга ким келади?
Жигарим эзилди сендай боламга,
Сен кетган сўнг нима қилай, жон болам,
Тургилигим қолмас Чамбил қалъага.
Нурали деса юрак-бағри эзилди,
Болам, деса кўздан ёши тизилди.
От чопилса, отнинг чанги чўзилди,
Чамбил элда отанг мулки бузилди,
Икки дунё омон бўлгин, жон болам,
Кўрган одамларнинг кўнгли бузилди.
Осмоннинг кўрки ойидан,
Айрилиб қопти қараса,
Эмизиб турган тойидан
Оқ сут берган энанг ўлсин, деётир,
Чиқиб келди оқ бўзариб уйдан.
Сочин ёйиб, кўкрагига муштлайди,
Болам, дейди, кўзларини ёшлайди.
Оқ сут берган онанг ўлсин, деётир,
Нуралига оҳ, деб, ўзин ташлайди.
Қаторида қора нори гурқираб,
Товдан булоқ чиқар экан шарқираб,
Олтмиш икки аъзолари сирқираб,
Энанг бўлсам ўлай, дейди, чирқираб,
Қуриб кетган эмчакдан сут тирқираб.
Қойил қолинг тақдир ҳақнинг ишига,
Тоғлар нура онанинг нолишига,
Ташлар бола ўзин давлат бошига,
Болам, дейди, яқинлашди қошига,
Оқ сут берган бўлсам ўлай, деб,
Искаб-искаб, асраб босди тўшига.
Сен кетган сўнг мен ўлайин, жон болам,

Ким келади муштипарнинг қошига.
Қаторида юлқинланган қора нор,
Опанг бўлсам ўлай, дейди Гулиносор,
Энди бўлдинг отаси йўқ дарбадар,
Икки дунё рози бўлгин оғам, деб,
Зор йиғлайди Гулинордай муштипар,
Йиғлаётир Нуралининг жўраси,
Сен эдинг-да ёлғиз отанг боласи.
Юрагимдан тегди опанг ноласи,
Найлайин, энди бу ишга оғажон,
Кўринмаса бу уйимда қораси.
Опанг бўлсам, мен ўйлай, деб, йиғлайди,
Гулнордай муштипар ширхўраси.
Иккови болам, деётир,
Бирови оғам, деётир,

Келсин Нурали, деётир,
Элу халқ сўраётир.
Келган эллар қараётир,
Ота-энаман хушлашди,
Чамбилда Нурали ботир.
Сув келар дўлаб-дўлаб
Мард келади онгталаб.
Сухбат қилди ота-эна,
Нуралига берди жавоб.

Ана шундай қилиб, Нуралибек ота-оналари билан хайрлашиб, Оқсаройдаги аркони давлатга келди. Шунда Гўрўғли султон Нуралини бағрига босиб, унга насихат гапларни гапириб турган вақти:

Олгин, болам, насихат,
Билгин, болам, насихат.
Насихатда бор ҳаёт,
Насихатни олмаган,
Ишлари бўлар уёт.
Чамбилбелнинг рўйхатидан
Кетмакчи бўп, ўчар бўлдинг,
Мард йўлини олар бўлдинг,
Мард шаробин ичар бўлдинг.
Қарчиғай қуш, лочин эдинг,
Сабаб минан Нуралибек,
Гул боғимдан учар бўлдинг.
Омон юргин, ёлғизим,
Қимсадан бесалом ўтма.
Ҳовлиқмагин, шунқорим,

Шошилма, ўзингдан кетма,
Йиқилиб ётган ботирни,
Кўтариб қўй, тепиб ўтма.
Доим мард бўл, жон болам,
Номардга ўзингни сотма.
Инглаганга куювчи бўлма,
Айтган жойдан қолувчи бўлма.
Айтмаган ерга борувчи бўлма,
Қочган мардни қувувчи бўлма.
Бир мард йигит талов бўлса,
Жиловли ип олувчи бўлма.
Қулоқ солгин, жон болам,
Устоз киши ёнингда бўлса
Ундан олдин борувчи бўлма.
Чин гапир, ёлғончи бўлма,
Эр жойидан қолувчи бўлма,
Чин гапга ўрган, шунқорим,
Елғон айтиб хижолат бўлма.
Мардлик ҳамиша керак,
Йўлдош бўлар ёву яроқ,
Мард бўлсанг гар, жон болам,
Сенга тайёр доим чироқ.
Сув келади дўлаб-дўлаб,
Марднинг кўнгли истар талаб.
Бечоранинг бағри кабоб,
Ули йўқнинг моли мавоф.
Сен кетган сўнг Чамбилдан
Қим келар менга эркалаб.
Қўлдан кетдинг-да, жон болам,
Чамбил эл бўлади хароб.
Ой бориб, омон юргин, ёлғизим,
Дея, Нуралига берди жавоб
Гўрўғли қилиб насиҳат.
Чамбил элда тўра эдинг,
Ҳали пишмаган ғўра эдинг.
Ёлғиз отанг Авазхонга
Мададкору жўра эдинг.
Ой бориб, омон юргин, жон болам,
Чамбилда шунқор Нурали эдинг.
Қилган мени ҳилламга,
Қим қолар энди қалага,
Сендай шунқорни топширдим
Яратган олло-толлога.
Қайғу тушади ўзимга
Сен кетган сўнг Чамбилдан.

Ким қоларкан изимга,
Ой бориб, омон юргин, ёлғизим,
Розиман берган тузимга.
Қайтгин-да Чамбил шаҳрима,
Ой бориб, омон бўлгин-да,
Топширдим сени пирима.
Отни майдонда елгин-да,
Ҳар ерда меҳнат қилгин-да,
Боргин, худога топширдим,
Чамбилга омон қайтгин-да.

Шундан кейин Нурали чечан тилини олиб, ҳар нармага солиб:— Тўрт ярим лак туркман эл, қирқ минг уйли қўнғирот, Авазхон қиблагоҳим, оқ сут берган муш-типар онам, икки пари момом, Гўрўглидай зўр бобом, хуш қолинглар Чамбилда,— деб хайрлашаётган экан:

Белимга бойланган пўтам,
Ишимда бўлмасин хатом.
Ҳеч жойда кўрмайин ситам,
Отамдир Чамбилда хотам.
То кўргунча хуш қол энди,
Авазхондай шунқор отам.
Йиғлаганда кечаси
Оқ сут бериб юпатган,
Олтин бешигим тебратган
То кўргунча хуш қол энди.
Узумкўздай онажоним,
Тор қўйинга талашган,
Айри эмчак эмишган,
Рўзғор ишга кўмишган,
Чамбилда энди хуш қолгин,
Гулинордай опажоним.
Тарбияси даво бўлган,
Қушдай сайраб наво бўлган,
Зўр подишоҳ Гўрўглибек,
Шундай бобом хуш қол энди.
Сайиллашга кема бўлган,
Тарбиячи момо бўлган,
Оға Юнус, Мисқол пари,
Чамбил элда хуш қол энди.
Чамбилбелда юртдош бўлган,
Кўп ишларга сирдош бўлган,
Қиёматли дўстим бўлган,
Шодмон мерганман бек Соқи,

Чамбил элда хуш қол энди,
 Бўлсин ишнинг хотирлари,
 Нони кўпган патирлари,
 Қирқ ойиси — номдорлари,
 Чамбил элнинг ботирлари,
 Чамбил элда хуш қол энди,
 Обод бўлсин Чамбил дўзи,
 Ҳалол бўлсин берган тузи.
 Хуш қол, энди Чамбил элда
 Чамбилнинг қирқин қизи.
 Рози бўлсин элнинг бари,
 Йигит бўлсин номус-орли,
 Чамбил элда хуш қол энди,
 Чамбилдаги қирқин пари.
 Бўлгансан бобом тулпори,
 Чамбил элда хуш қол энди,
 Гўрўғли бобомнинг Ғири.
 Майдонда от елганлари,
 Гули боғда тўлганлари,
 Элга хизмат қилганлари,
 Элдан ёрғи олганлари,
 Чамбил элда хуш қол энди
 Билагги йўғон полвонлари.
 Чамбил элда хуш қол энди
 Чамбилнинг зўр деҳқонлари.

Нуралибек Чамбил элидаги бор халойиқ минан хайрлашди, саркардаларман хайрлашди. Шунда Гўрўғли султон Нуралибекни кўтариб, меҳмоннинг орқасига миндирди. Меҳмон Нуралини олиб, жўнаб кетди. Чамбил халқи оқ йўл тилаб қолди. Меҳмон Нуралибекни олиб кетаверсин, энди гапни Чамбилдан эшитинг.

Гўрўғли султон, мададкор бўлган қирқ чилтон бек Соқи орқали ҳамма жойларда жар чақиртириб, олти ойгача Чамбилда мотам, деб эълон қилинганлигини маълум қилдиради. Шу олти ой муҳлатга ҳеч ким тўй-томоша, ўйин-кулгу қилмасин, дейди. Ўйин-томоша қилган кишиларнинг боши — ўлимда, моли — таловда, дейди. Шу эълондан кейин қирқ олти гала ботир Гўрўғли султон бошлиқ, Авазхон бола-чақаси минан бирликда оқ тўшини оқ тошга бериб, мотам қилиб ётаверди. Ҳамма дарвозаларга «олти ойгача мотам, ҳеч қандай меҳмон қабул қилинмайди», деб эълон осиб қўйилади. Чамбилда шундай мотам бўлиб тураверсин, энди гапни меҳмондан эшитинг,

Нуралини олиб кетган меҳмон Чамбилдан ташқарига чиқиб, бир арчали булоққа бориб, отдан тушиб, отни Нуралибекка бериб:

— Болам, сен отни ўтлатиб, тўйдириб кел,— дейди.

Нуралибек унинг айтганини қилиб туради. Меҳмон арчали булоқда таҳорат қилиб, худонинг фарзу қарзидан қутулади, икки ракаат шукрона намоз ўқиб, худодан, пиридан золимнинг ҳисобини, бола-чақанинг кайфи чоғлигини, ўзининг иши яқунланишини тилаб ўзига савол беради:

«Сен ўзинг кимсан, қаердан келгансан? Сен Туб шаҳар мамлакатининг подшоси бўлиб, Чамбилга ўзингни от жаллоби қаландар деб билдирдинг. Сен Гўрўгли султоннинг мардлигини билиб олдинг. Мард бўлганлиги учун ҳовлиқмалик билан Нуралини тириклай берди. Агар номард бўлганда ёмон ниятинг учун сени хонавайрон қилар эди. Хон айтмайди, айтганидан қайтмайди. Одамнинг ўзи эмас, лафзи ҳалол деган шарт билан Нуралибекни менга топширди. Мана, уларнинг мардлигини билдинг, Нуралини қўлга олдинг. Улар шундай мард бўлган бўлса, сен ҳам шундай мард бўл. Энди Нуралини олиб бориб бер»,— деди ўзига-ўзи.

Шул кеча ётди, эрта билан тонг отди. Чоршанба кун чашшоҳ эди, отнинг белини тортди, тўқи тўқага етди. Ўзи отга миниб, миндирди Нуралибек фарзандди. Шунда Нуралибек меҳмонга:

— Ҳей, жон бобо, янглишяпсиз, Чамбилга қайтаяпсиз,— деди.

Меҳмон Нуралига:

— Болам, мен бир кўкнори чойхўр одамман. Чамбилга қайтиб бир чойхонага кириб, чой ичиб, нашани чекиб, кайфимни чоғ қилмасам бўлмайди. Бу чўлларда чойхона йўқ. Бизнинг мамлакатлар эса жуда узок,— деди.

Нуралибек меҳмоннинг гапини тўғри тушунди. Лекин меҳмон Чамбилнинг ичкарасига кириб, чойхона, гўштхона, ошхона, кўкнорихонадан ўтиб кетаверди. Отини ҳайдаб тўғри Авазхоннинг дарвозасига етди. Дарвозага етиб шундай қараса, «меҳмон қабул қилинмайди», деб ёзилган экан. Шундай бўлса ҳам меҳмон дарвозабоннинг отини сўраб олди. Дарвозабоннинг оти оймамат экан. Шунда меҳмон чечан тилини олиб, ҳар нағмага солиб, «Дарвозани оч, Авазда ишим бор», деб сўраб тургани, Оймаматнинг жавоб бериб тургани:

Эшитганди арзи дод,

Чамбилга қилдинг хизмат,
Хизматингда бордир зиёд,
Арзимни эшит Оймамат.
Отни майдонда елганман,
Узидан кўнгли тўлганман,
Билагим йўғон полвонман,
Дарвозани очгин, Оймамат.
Авазни йўқлаб келганман,
Қаторимда норим бор,
Номус минан орим бор,
Зўр эмас-да, зорим бор,
Оч дарвозани, Оймамат,
Авазда зарур гапим бор.
Айтадиган арзим бор,
Минган лайли бўзим бор,
Оч дарвозани, Оймамат.
Авазда омонат қарзим бор.

Оймаматнинг жавоби:

Арзимни эшит, меҳмонжон,
Дарвозамни мен очсам,
Оймамат ҳам ўлади,
Чамбилда ҳамма кулади,
Уйлаб кўр эълонни, меҳмон,
Сўрамай дорга илади.
Мотам бил, Чамбил шахрини,
Мотам Аваз рўзгорини.
Дарвозани очиб берсам,
Қуритар менинг шўримни.
Қайтиб очай дарвозани,
Эълонда кўрсатган дорини,
Бу ёлғончи ўртади,
Бир сўзин кўзга суртади.
Қандай очай дарвозани,
Дарров дорга тортади.

Нуралининг сўзи:

Қурисин гапнинг равиши,
Эзилган юракнинг гўши,
Оқтошдир Аваз тўши,
Дарвозани оч деётир,
Аваздай шунқор мардга,
Етди Нурали товуши.

Келди қайтиб давлат боши,
Авазнинг йўқ эмчакдоши,
Чамбилда йўқ қариндоши,
Шу товушни эшитади
Энажон қаламқоши.
Бу товушни эшитади
Гулнордай эмчакдоши.
Осмон кўрки ойидан,
Туради Аваз жойидан.
Айрилган эди шул ботир
Нурали шунқоридан.
Оч, деган хабар берилди,
Гап бўлди Аваз зўридан.
Очди дарвозани Оймамат,
Рози бўп хизматкоридан.
Дарвозани очади,
Рангидан қони қочади.
Улган одам, ёронлар,
Албатта номи ўчади.
Дарди дардга улашади,
Ор-номус-чун талашади.
Мотамдаги Авазхоннинг
Нуралига кўзи тушади.
Ақлидан адашади,
Опа минан энаси
Нурхонга ташлашади.
Авазнинг кўнгли бузилди,
Томоғига йиғи тикилди.
Унгимми-тушим, деётир,
Юраги кетиб йиқилди.
Бахшилар чертар дуторди,
Созанда чертар сеторди,
Кўзингни оч, ота, деб,
Авазни ердан кўтарди.
Нурали, Аваз йиғлашар,
Тушади кўзи кўзига.
Келди-да Аваз ўзига.
Кетган болам келди, деб,
Кўяди оғзини юзига.
Кўчқор билан совлиқлар
Топишиб қолди кўзига,
Қийғир ётади ёнаси,
Аваздир элнинг доноси,
Елғиз болам келди, деб,
Йиғлайди ҳеч ҳам тинмайин

Оқ сутлар берган онаси.
 Обод бўлар Чамбил дўзи,
 Қайти Нурхондай ёлғизи,
 Опанг бўлсам ўлай деб,
 Йиғлайди Авазнинг қизи.
 Чамбилга от чопишади,
 Нуралини кўриб, ота-она
 Кўришиб тоза қовушди,
 Оғзи-бурнидан ўпишди.
 Қаранг энди Авазхон
 Меҳмонман қайта кўришди,
 Худони ўртага қўйишди.
 Ўртада палов ош бўлди.
 Шундай ғалати иш бўлди.
 Аваз билан бу меҳмон
 Қиёматли дўст бўлди.
 Отни майдонда елади,
 Нурали келиб қолди, деб,
 Элига хабар қилади.
 Қўлидан кетган Нурхонни
 Қайтиб қўлига олади.
 Мотам бўлган ҳовлида
 Тўй-томоша бўлади.
 Хизматкорлар ишлашди,
 Уйин-кулги бошлашди,
 Хўкиз, қўйлар харжланди,
 Чамбил элда, ёронлар,
 Шуйтиб тўйлар бошланди.

Мана шундай қилиб, Авазнинг қўлидан кетган Нуралибек қайтиб Чамбилга келади, Гўрўғлибекнинг қирқ олти ботири хабардор бўлади, меҳмонни поёндоз тўшаб аркони давлатга олиб боради. Гўрўғлибек олти ой мотам, деб эълон қилганди, энди эл-халққа қирқ кеча-кундуз тўй, деб хабар қилади. Тўй бўлаверади, ҳеч ким бехаражат қирқ кеча-кундуз овқат еяверади, тўйда улоқлар чопишаверади, ол уни бор, унисиди тўни бор, деяверади, ҳар ерда бахшилар айтаверади, қўлларига дўмбираларини олиб, Гўрўғли билан Чамбилни дoston қилиб айтаверади, полвонлар олишаверади, уларга тўй сарполар беришаверади, санъаткорлар суҳбатни қуришаверади. Чамбилда шодлик бўлиб тураверсин, энди гапни Чамбилнинг аркони давлатидан эшитинг:

Гўрўғлибек қирқ олти гала ботири, ўн саккиз минг номдори билан, ўн саккиз минг уламосининг олдида,

қирқин қизнинг бошида, Оға Юнус, Мисқол парининг юзида жойидан туриб, меҳмонни ҳам жойидан турғазиб, устидан сарпой, тило сочтириб, бошига дубулға кийдирди, тўшига чоройна торттирди, иккови қучоқлашиб, ўпишиб, ота-бола тутинишади.

Гўрўғли:

— Тўрт ярим минг туркман эл, қирқ минг уйли қўнғиротда сен ҳам қирқ олтининг бири бўлдинг. Энди тила мақсадингни, баён бергин авлодингни, не тиласанг, шуни бераман,— деб гап сўраган пайти:

Отни майдонда елибсан,
Полвонлар ичра голибсан,
Чамбилга хизмат қилибсан,
Нурхонни олиб келибсан,
Чамбилга дўст бўп қолибсан,
Рози бўлсанг, баякбор,
Қирқ олтининг бири бўлибсан.
Уйнаб давр сурайин,
Ким эканинг билайин,
Сенга хизмат қилайин,
Рост гапиргин, шунқорим,
Не тиласанг берайин.
Қўйни очиқ кенг бўлдинг,
Манглай бошинг дўнг бўлдинг,
Қирқ олтидан сўнг бўлдинг,
Не тиласанг берайин,
Аваз минан бир бўлдинг,
Ботирга ўхшатдим жасадингни,
Унутмасман ҳеч хизматингни,
Иззат минан ҳурматингни,
Тила, мендан мақсадингни.
Ростин гапир, азамат,
Энди билайин юртингни.
Қаторда нордай товшайсан,
Баҳорда қордай бўшайсан,
Ҳақ бўлиб ошини ошайсан,
Дуо олсанг Чамбил элдан,
Ҳақиқий юз йил яшайсан.
Ўзингни билдир, бўзўғлон,
Полвон ботирга ўхшайсан.

Меҳмоннинг жавоби:

Боғларда гулдай тўлганман,
Туб шаҳридан келганман.
Мени сўрасанг, Гўрўғли,
Сулувхондай полвонман.
Туб шаҳар, дейди шаҳримни,
Оқтовон дейди отимни.
Абомуслим дер авлодимни,
Энди танитай, Гўрўғли,
Подшозода, дер зотимни.
Еганман тузу нонидан,
Чамбил элнинг меҳмониман,
Мени сўрасанг, Гўрўғли,
Туб шаҳрининг хониман.
Минган лайли бўзим бор,
Тўғри айтган сўзим бор,
Мен арзимни айтайин,
Элимда барно қизим бор,
Қандай бўлган кирдикор,
Минганим эрур тулпор,
Узим Сулувхон номдор,
Ерим Холдорой ғажакдор.
Отини сўрасанг, Гўрўғли,
Қизимнинг оти Зулфизар.
Отни майдонда елмакчи,
Хунхордан совчи келмоқчи,
Қизимни келин қилмоқчи.
Элтўймас деган ули бор,
Шунга хотин қип бермоқчи.
Минганим араб тулпори,
Кулоқ солинг, бек Гўрўғли,
Келганим бермоқди Чамбилга
Зулфизаржоннинг хабарин.
Эшитган элнинг бари,
Арзимни эшит, Гўрўғли,
Сен Чамбилнинг зўравори.
Шудир менинг арзи-додим.
Минган отда бор зиёдим,
Зулфизаржоннинг талаби
Чамбилга келишдир нияти.
Мўйловимни бураб келдим,
Чамбил элни сўраб келдим,
Мени сўрасанг, Гўрўғли,
Сендан кўмак тилаб келдим.
Узини баён қилдирди,
Гўрўғли кўнглин тўлдирди,

Гапирди-да, Сулувхон
Чамбилда номин қолдирди.

Ана шундай қилиб охирги мақсадини, авлод-аждодини меҳмон баён қилади. Шунда Гўрўғли султон меҳмоннинг мардлигини билиб, Чамбилдан ёрдам сўраб келгани учун унга раҳмат деди.

Гўрўғли султон ўрнидан туриб кетди, эғнидаги туки совутига кириб кетди, «Соқи!» деб зилла тортди, Соқи югуриб етди. Соқига буйруқ берди:— Тўрт ярим лак туркман эл, қирқ минг уйли қўнғирот элига хабар бера-сан, олти яшардан олтмиш яшаргача, етти яшардан етмиш яшаргача, саккиз яшардан саксон яшаргача элнинг ҳаммасини оёққа турғазасан. Хунхор подшосининг устига юришга тайёрланасан.

Шуйтиб Гўрўғли бек Соқига гапириб ётган вақтда Авазхон отасини гапдан тўхтатди. Гўрўғли: «Нима дейсан?»— дегандек қилиб Авазга қаради. Авазхон отасига:

— Ота, бу ишингиз озроқ хато. Сабаби келган меҳмон Чамбилга лашкар тортиб келдими ёки ўзи келдими?— дейди.

— Ҳа, ўзи танҳо келди,— дейди Гўрўғлибек.

— Чамбилдаги ишларини шу меҳмон танҳо қилган бўлса, агар рози бўлсангиз, менга оқ фотиҳа берсангиз, элларни бесаранжом қилмасдан мен Туб шаҳрига танҳо борсам, Чамбилга келишни ният қилган парини Чамбилга олиб келсам, Туб шаҳар мамлакатини Хунхорнинг лашкаридан озод қилиб келсам,— дейди Авазхон.

Авазхоннинг гапларини ҳамма тўғри деб тасдиқлайди. Сулувхон подшо Чамбилда эркин меҳмон бўлиб яшайверади, Авазхон Туб шаҳрига жўнашга тайёрланаверади.

Гўрўғли султон Авазхондан бундай мардлик гапни эшитгандан кейин бек Соқига иккинчи марта буйруқ қилади:

— Авазхонни Туб шаҳар мамлакатига жўнатишга тарадудларингизни кўраверинглар.

Шунда бек Соқи ўн бешта отбоқар сайисларига, ўн бешта от қашувчи қизларига буюради:

— Дол Ғиротни табладан чиқаринглар, силаб-сийпаб кўнглини олинглар.

Хизматкорлар қирқ бир зинапозли таблага равона бўлиб, дол Ғиротни табладан чиқараётган даври:

Хизматкорлар шошилиб,

Табла зинадан тушади.
Кўпчилиги хўб хушилиб,
Фирот томонга шошади.
Улмаганлар яшайди,
Бошлиғи йўл бошлайди,
Шундай қилиб сайислар
Таблага-пастга тушади.
От боқилган таблада
Сонсиз чироқ ёқилган.
Чамбил элнинг Фироти
Шу таблада боқилган.
Келаётир сайислар
Юришга йўл топишган.
Айни тонглаз отибди,
Бақт саҳардан ўтибди.
Одамдай оқил дол Фирот
Ширин уйқуга кетибди.
От боқувчи сайислар
Фиротга яқин етибди.
Дол Фирот туш кўрганди
Қизил бошнинг урушин.
Тушида у билганди
Туб шаҳрига боришин.
Кўзин очди Чамбил Фироти,
Келиб етди хизматкори.
Кулишиб турди бошида
Сайисларнинг бари.
Кўтарибди-ку, жонивор
Ухлаган жойдан бошини.
Қишнаб юборди хоназот
Яхшилаб ростлаб тўшини.
Кўриб қолди жонивор
Бир неча қалам қошини
Дол Фирот шунда ўйланди,
Дам олган йўқ бечора,
Яқинда чопиб қийналди.
Қизларни кўрган жонивор,
Кўнглини очиб шайланди.
Ҳамма кулишни бошлади,
Яқинроқ қадам ташлади.
Тарбиячи қирқин қиз
Фир нўхтасини ушлади.
Билди дол Фирот тобини,
Айтамыз гапнинг лотини.
Келиб ушлади парилар

Ғиротнинг нўхта ипини.
Ғиркўк бўлса кўради,
Қизларнинг кўзи сузуқдан.
Ғапирганда билади.
Кўнгли кўп ёмон бузуқдан.
Ечаётир қирқин қиз
Нўхтанинг ипин қозиқдан.
Кўнгли тўлган парилар
Нўхтадан тортиб еталар.
Одамдай оқил жонивор
Қалласин чайқаб эркалар.
Еталашиб қирқин қиз
Табладан ташга чиқарди.
Бахшилар Ғирни куйлайди,
Ғирот нимани ўйлайди.
Сиртда турган қозиққа
Дол Ғиротни бойлайди.

Энди сайислар Ғиротни бойлаб, қашиб тураверсин,
гапни бек Соқидан эшитинг.

Осмон кўрки ойдан,
Кўнгли тўлади бойидан.
Умидвор бўп кўнгли тўқ
Чамбилда тарлон тойидан.
Бисмилло, деб бек Соқи
Чиқиб борди Булбулбек
Абзал кўтариб уйдан.
Олтин қозиққа бойланган
Чамбилнинг лайли бўзини.
Кўриб турибди жонивор
Хизматкор қирқин қизини.
Орқалаб Соқи келаётир
Ғиротнинг асбоб-абзалини.
Ғирот қараб туради,
Соқи яқин келади,
Ҳамма қиқирлаб кулади.
Одамдай оқил дол Ғирот
Қашиниб тайёр бўлади.
Кўтариб келиб абзални
Қўйди от ёнбошига.
Яқин келиб қошига
Бисмилло, деб бек Соқи
Саломлаб лайли қушига.
Қаранг энди, бек Соқи

Ғир жиловин ушлади.
Устидаги довурини
Яланғочлаб ташлади.
Одамдай оқил дол Ғирот
Ҳеч қилмади ҳарбани.
Доим ёдига олди
Қирқ чилтон арвоҳини.
Емасин-да жонивор
Душманлардан зарбани.
Шундай қилиб бек Соқи
Бошидан олди тўрвани.
Ботирлар олар ёрлиқни,
Номардлар қилар зўрликни.
Бисмилло, деб бек Соқи
Аввал тайлади терликни.
Куёв кўзлайди қонликни,
Тўйга ҳайдайди жонликни,
Олдин ҳозирлаб қўйди-да,
Нуқра нақшли жаҳалдирикни,
Тайлаётир бек Соқи
Зар ялатган чиргини.
Қаранг, Соқидай донони,
Қилмаган ҳеч ҳам гунони.
Чирги устидан бости-да,
Тоши тилло хонани.
Йигитлар тутар қопчиқди,
Табладан янги от чиқди.
Хона устидан бости-да,
Зарин сочоқли кўпчиқди.
Мардга ҳамма қойилди,
Номарда аччиқ ёйилди.
Боз устидан тортаётир
Нукрали пишиқ айилди.
Улмас экан одам жони,
Созлаётир бек тарлонни.
Боз устидан тортади
Ярақлатиб тилла пуштанни.
Оқ тўшидан айлантириб
Ярқиллатиб қайишди.
Чини минан тортганнан
Ғирнинг бели майишди,
Кўрганнинг ақли шошди.
Кўтарилди дол Ғирот,
Узини жонивор босди,
Хонанинг ёнбошида

Тилла узанги ярқираб,
 Қишнаб борадиган бўлди
 Шодлигидан чирқираб.
 Тортилган тилласи пуштан
 Бек Соқи у ён-бу ён.
 Думидан тортиб бойланди
 Обжўш қилинган қуюшқон.
 Чини минан қувган сўнг
 Билади Ғирдай ҳайвонни.
 Боз устидан сайлаб солди
 Тилло югурган юганни.
 Қараб тарлон қушига,
 Ҳар гап келди ҳушига.
 Юганни созлаб солади
 Дол Ғиротнинг бошига.
 Созлади лайли молини.
 Обод қиб Чамбил элини.
 Юганга қўшиб бойларди
 Парилар эшган ипақдан
 Пишиқ ўришган чилвирни.
 Ҳамма билади, ёронлар,
 Дол Ғиротдай довурни.
 Керак бўлса жонивор
 Чиқармай борар шовурни.
 Агар бунга дуч келса,
 Душманни кўкка совурди.
 Соқи чиқади еталаб,
 От боради эркалаб,
 Баланд товнинг бастига,
 Ҳар нарсанинг қасдига.
 Олиб боради бек Соқи
 Қўрғон қалъанинг остига.

Шунда ҳамма, қирқ олти гала ботир, келган отга қараб ётир. Авазхон тайёр бўлиб аркони давлатга чиқиб келди. У белига беллик, қўлига қўллик, дубулға кийиб бошига, чоройна тақиб тўшига, қайқи пўлат ён-бошига, ханжарни олиб қўлига, камарни боғлаб белига, тайёр бўлиб Авазхон Туб шаҳрининг йўлига.

Қиблагоҳ Гўрўғли султон, қайночаси зўр Қорахон, эналари Оға Юнус, Мисқол парилар, меҳмон билан Нурали полвонлар, узумкўз билан Гулнор, қирқин қизлари, олқисса, тўрт ярим лак туркман эл, қирқ минг уйли қўнғирот вакиллар қараб турибди.

Гүрүғли султон қирқ чилтон берган номани, ундаги йўл-йўриқларни — бошқа мамлакатларнинг таърифи, у эллардаги хавfli жойлар, зўр полвонлар, девлар, ай-ёр кампирлар, сеҳр-жодуга бой парилар, беҳисоб чўллар, адоқсиз йўллар, серсув кўллар борлигини билдириб, «омон-эсон» қайтиб кел, болам», деб Авазхонга насихат қилаётган экан:

Оқча бойлик олтойликдир,
Кўкча бойлик уч ойликди.
Мен гапирай, қулоқ солгин,
Кўрдим фарзанд гадойликди.
Омон-эсон қайтиб келгин,
Кўрма, болам, айроликди.
Туб шаҳарга борар бўлдинг,
Мусофир бўп юрар бўлдинг,
Яхши-ёмон кўрар бўлдинг,
Эл хизматин қилар бўлдинг,
Ўйлаб юргин-да, жон болам,
Кўп ишларни кўрар бўлдинг.
Чамбилдан чиқиб кетган сўнг,
Ўн кеча йўл тортган сўнг,
Кўп нарса сенга дуч бўлар,
Фақат ўзингга куч келар.
Асқар товга ўтган сўнг,
Қараб қўй қўлда номангга.
Қараб қўйгандан сўнг номангга,
Мингин-да Гирдай самангга.
Бир ёгин дер Исфижаҳон,
Бир ёгин дер Нисфижаҳон.
Кўҳи Қофнинг атрофи
Шўр дарё ойнаи жаҳон.
Шул ердан омон ўтсанг,
Катта бўлар элга баҳонг.
Бир ёгини, дер, Ўқтов,
Бир ёгини, дер, Чўқтов.
У ерда бор Оқсоқ дев,
Остингда ўйнар бедов.
Қўлга тушмай шошмай юр,
Қўлга тушсанг, ейсан қийнов.
Шундан нари ўтган сўнг,
Нечча захм ютган сўнг,
Ботир деб сени билган сўнг,
Шу ерлардан омон ўтсанг,
Чамбилда бўлар Нуралинг.

Яна нолангда кўринар,
Бедовинг қаттиқ уринар.
Ундан нарёққа ўтсанг,
Бедовинг дарров суринар.
Эҳтиётлаб юр, ёлғизим,
Ғиротга девлар кўринар.
Бормагин, болам, Зангивон,
Зангивон йўли кўп ёмон.
Зангивон борган одамлар
Орқага қайтмайди омон.
Чунки шу ерда яшайди
Айёр полвон Пилтовон.
Шу ерлардан эҳтиёт бўл, жон болам,
Қуръачиси қуръа ташлаб кўради,
Мерганлари пешанангдан уради,
Йўлингда ота-энанг бўп туради,
Қўйнингга паризод бўп киради,
Ширин жонинг зулукдай бўп сўради,
У ерларни минган отинг билади,
Шу жойларда эҳтиёт бўл, жон болам,
Яхши отли олтойдан сўнг ошади,
Ёмон отли дев қўлига тушади,
Шу товларда отанг неча яшади,
Девни кўриб бўғинлари бўшади,
У ернинг девлари ёмон, жон болам,
Ғир жиловидан ушлади,
Одамдай оқил жонивор,
Жон еридан тишлади.
Одам бўлса қайнамасдан пишади,
Иссиғига Қора тордай шишади.
Ушлаб олса, девбаччага қўшади,
Икки боши қурт киради қўйнингга,
Оч ичакдай ўралади бўйнингга,
Зомин бўлмайин-да ширин жонингга.
Бепадарлар ҳайрон қолар, Авазхон,
Дол Ғиротни ажратмагин ёнингдан.
Шул товларда эҳтиёт бўл, Авазхон,
Энди қара, қўлингдаги номангга,
Минасан-да дол Ғиротдай саманга.
Асқар деган жуда баланд тови бор,
Етайланиб¹ оқар дарё суви бор,
У товларнинг уч юз олтмиш деви бор,
Ақлингни шоширар, беҳад зови бор,

¹ Етти айланиб.

Дарвозада Афшар деган деви бор.
 Шул товларда эҳтиёт бўл, Авазхон.
 Дарвозада Афшар деган зўри бор,
 Холбек майдонида қора ҳунди бор,
 Шундан ўтиб борган сўнг
 Шохдор деган зўр деви бор.
 Шундан омон ўтган сўнг
 Жуда хавфли пари бор.
 Сен мингин-да ғайрат билан Фирима,
 Омон-эсон қайтиб келгин шаҳрима.
 Қайтиб келгин Чамбилдай гулзорима,
 Чамбилда жаннатдай рўзгорима.
 Дуо қилар қирқ чилтондай пирларинг,
 Ой юриб омон қайтгин, ёлғизим.

Ана шундай панд-насиҳатлардан сўнг Гўрўғли султон Авазхонга: «Оқ йўл!»— деб жавоб берди.

Шунда Авазхон отасининг гапларини қабул қилиб, кўзи қизариб, ботирдай бўзариб, шердай гезариб, дол Фиротга миниб, қарчиғайдай қўниб, кўзи чироқдай ёниб, йўлни чангитиб, Чамбил элдан Туб шаҳрига кетаётган экан:

Баракалла, дол Аваз,
 Паҳлавондай бўйи газ,
 Қизил қалпоқ бўтакўз,
 Шундай ишни бажарар.
 Авазбекдай бул шоввоз
 Ният қилиб жўнади,
 Остида кишнаб лайл бўз.
 Минди Фирот отига,
 Эсон-омон қайтиб келсин
 Чамбил деган элига.
 Отини ҳайдаб Авазхон
 Чиқди Чамбилнинг йўлига.
 Қамчи қўяди отига,
 Қарамас асло кетига.
 Душман бардош беролмас
 Юракдан чиққан ўтига.
 Тўғри отини ҳайдаб
 Чиқди Чамбилнинг сиртига.
 Ботир ўйлайди сазодан,
 Дуо олиб муртазодан,
 От қистаб ўтиб боради
 Чамбилдаги дарвозадан.

Излаб борар Авазхон
Туб шаҳрининг дўзини.
Бориб кўрай, деётир
Сулувхоннинг қизини.
Бисмилло, деб егансан
Ҳар вақт унинг тузини.
Келар гапнинг сираси,
Парини олиб қайтарсан,
Хизматингнинг кираси.
От қистаб ҳайдаб боради
Чамбил элининг тўраси.
Бораётир ўрмон минан,
Кўнгли тўла армон минан.
Парини эсига олса,
Ғайратланар дармон минан.
Остида Ғир бедов минан,
Ичи қоронғу ғор минан,
Отини ҳайдаб боради,
Одам юрмаган қир минан.
Неча ердан ўтиб борар,
Отин қистаб кетиб борар.
Шундай ерлардан ўтганда,
Пир номини тутиб борар.
Чин юурса бу жонивор,
Тошни карсондай ўяди.
Жасадига гар қараса,
Ботирнинг кўзи тўяди.
Меҳмон бўлса бир жойда,
Нор туяни унга сўяди.
Кўриб қолишса номардлар,
Ёмон қилиқни қўяди.
Минади отни лўш минан,
Пир берган улуш минан.
Бориб етишса армон йўқ,
Зулфизар қаламқош минан.
Отини ҳайдаб боради
Неча қиррали тош минан.
Дулдулдир Ғирнинг сиёғи,
Тошларни ун қилади
Босган сўнг унинг туёғи
Шамолдай учиб боради,
Туёғи тегиб кетган сўнг
Менгларни¹ икки ёради.

¹ Харсангтош.

Чини минан тикилса
 Олтойлик йўлни кўради.
 Шундай қилиб, Авазхон
 Отини қистаб боради.
 Осмоннинг кўрки ой билан,
 Аваз боради ўй билан.
 Дол Ғиротнинг боришини
 Бахшилар айтар куй билан.
 Отини қистаб боради
 Неча адирлик жой билан.
 Тўхтамай ўтиб боради
 Туби йўқ чуқур сой билан.
 Остидаги шул ҳайвон,
 Кўнгли бўлмасин вайрон.
 Мард йўлини тутади,
 Бораётир Авазхон,
 Тўғри йўлни тортади,
 Ун кеча-кундуз ўтади.
 Отин ҳайдаб Авазхон
 Асқарга яқин етади.
 Уйлаб ақли ҳушига,
 Тўйган чилтоннинг ошига.
 Агар кўринса етарди
 Ҳар қандай душман бошига.
 Ҳайдаб боради Ғиротни
 Тирмаштиб тоғнинг тўшига.
 Тушманг душманнинг дастига,
 Ишонмас улар дўстига.
 Ушлаб олишса душманлар,
 Сомон тикади пўстига.
 Отини ҳайдаб Авазхон
 Чиқди Асқарнинг устига.

Мана шундай қилиб, Авазхон отаси айтган Асқар тоғининг устига чиқади, бир чинорли булоқнинг устидан боради. Отидан таппа ташлайди, Ғиротни бир арчанинг соясига бойлайди, белини бўшатади, терини ушатади. Отини парвариш қилади, тўрвани бошига илади, ўзига яраша овқат беради, булоқнинг бошига келиб у ёқ-бу ёққа қарайди.

Булоқнинг бошида гуллар очилган, булбуллар сайраган, кун кўринмайдиган гужумлар, атрофи—анорзор, олмазор, хулласки, бу жойлар жаннатга ўхшайди.

Авазхон булоққа бориб тоза таҳорат қилди, қайта-қайта ғусл қилиб, худонинг фарзу қарзидан қутилди,

икки ракат шукрона намозини ўқиб, мақсадига етишини парилардан сўраб дуо қилди. Шундай қилиб, Авазхон шу зарчашманинг атрофини айланиб кўрди. Бир томонда ғорли йўлга кўзи тушди. Икки ёғи баланд тоғ, пиёда юрса оёғи куяди. Шундай ғорли йўлнинг чеккасида тошга ўйилган, ҳамма шартлар ўртага қўйилган, борса келар, борса келмас, келар-келмаслиги гумон — бир ёғи Зангивон, отаси айтган Пилтавон, қирқ тўрт минг қизилбош давлатининг ҳар томонига кетадиган, марказий ғорли йўл эди. Шу ғор қоронғу Мозандара деган жой эди. Мана шу Мозандарада девларнинг полвоши, ҳамма мамлакатдан хирож оладиган номдори Афшар дев ётар эди.

Авазхон шундай отасининг номасига қаради, отасининг айтганлари тўғри келди, Афшар девнинг шу ерларда борлигини билди.

Афшар девнинг бир ҳунари бор эди, ҳафтанинг ҳар жума куни дам олиб ухлар эди. Дам олишда бир чақиримча жойдан от, қуш, одам, илон бўлса, оғзига қариб кетар эди. Яна дам чиқаргунча ютган нарсаси ҳал бўлар эди. Афшар дев дамини чиқарганда одамдай тошлар кўндаланг бўлиб, ҳайвон билан қушлар қаттиқ довул тургандай бўлиб осмонда учиб юрар эди. Хуллас, Афшар девнинг нафас олиши ва нафас чиқариши дунёда энг хавфли нарса эди.

Шуни Авазхон отасининг номасида кўриб ҳайрон қолди. Авазхон дол Ғиротнинг ёнига келди, чечан тилини ҳар нағмага солиб, отига қараб, оёқ тираб:

— Жонивор, энди ўзинг биласан, бу жойлар кўп хавфли жой экан, нима қиламан? Чамбилга қандайин юз билан қуруқ қайтиб бораман? Қуруқ қайтиш — Авазхон деган номимга уят бўлади, — деб дол Ғиротдан маслаҳат сўраб тургани:

Қандай бўлар кирдикор,
Одамдай оқил, жонивор?
Мен Чамбилга хизматкор,
Арзимни эшит, жонивор,
Бир майдон сенга арзим бор.
Арзимни эшит, дол Ғирот,
Чамбилда бўлдинг улуғ зот.
Бекор қайтсанг бўлар уят,
Арзимни эшит жонивор,
Сендан сўрайин маслаҳат.
Созандалар созин созлар созингдан,

Миниб сафар қилдим сендай бўз минан,
 Ниятим — учрашмоқ пари қиз минан,
 Маслаҳат бер бу эгангга, жонивор,
 Чамбил элга қандай борай оқ юз минан,
 Уйлар обод бўлар паризод минан.
 Қулоқ солиб арзим эшит, жонивор,
 Чамбил элга қандай қайтай бет минан.
 Ажал етмай қашқа тугул чивин ўлмайди,
 Қуруқ қайтсам, мен-чун маъқул бўлмайди,
 Қайтиб борай Чамбил элга, жонивор,
 Бекор борсанг, иззат-хурмат қилмайди.
 Улмаган даврон суради,
 Одамдай оқил жонивор,
 Гап эшитиб туради.
 Одамдай ақлли Фиротга
 Тил минан забон келади,
 Қаранг, дол Фирот сўзлайди,
 Қанча олдинни кўзлайди,
 Доим мардликни излайди,
 Олдидан чиқса душманлар
 Бағрини олиб тузлайди.
 Ақли қочган шул Авазни
 Тўғри йўлларга созлайди.
 — Бу ерларни, Авазхон,
 Қанчадан буён кўрганман.
 Шу ғорларда отанг минан
 Доимо бирга бўлганман.
 Девлар билан савашиб,
 Неччовин қўлга олганман,
 Чамбилга хизмат қилганман.
 Арзимни эшит, Авазхон,
 Донғи кетган тулпорман.
 Бисмилло, деб миначан,
 Қарчиғайдай қўнасан.
 Чироқдай бўп ёнасан,
 Нима иш бўлса кўнасан.
 Маҳкам ушла эгарни,
 Афшар устига дўнасан.
 Ёмонликни ташлайсан,
 Бор кучингни харжлайсан,
 Эгардан маҳкам ушлайсан.
 Дуч келса агар душманлар,
 Ҳам тепасан, тишлайсан.
 Учиб бориб устимда
 Мард кўнглингни хушлайсан.

Майдон келса, мард йигит,
Ширин жондан кечади.
Улган одам, ёронлар,
Рўйхатдан, албатта ўтади.
Қаранг энди дол Фирот
Қанот бойлаб учади.
Осмон кўрки ойидан,
Мадад тилаб худойдан,
Фика минан ўйидан.
Туб шаҳарга бормоқчи
Келган Чамбил жойидан.
Шундай қилиб гап эшитди
Чамбилнинг тарлон тойидан.
Қанот қоқиб дол Фирот
Кўтарилди жойидан.
Бораётир жонивор,
Афшар девнинг қастиди,
Ботирнинг пайвастида.
Дол Фирот учиб боради
Афшар девнинг устига.
Дам олганда, жонивор,
Шунда ўзини сақлайди.
Шундай зарур ишларда
Чамбил тузини ҳақлайди.
Шундай зарур ишларда
Жонивор ўзин тутади.
Дам олганда дуч келса,
Афшар қўшиб ютади.
Дам чиқарган вақтда
Фирот нарман ўтади.
Бўрон бўп қолди орқада
Афшардан ўтиб кетади.
Энди ошин ошлайди,
Тоғдан аста пастлайди,
Бор кучини харжлайди,
Пастлаб бориб дол Фирот
Аста ерларга қўнади.
Тоғлардан пастга энади,
Қийинчиликка кўнади.
Учиб ўтиб Афшардан
Қатта майдонга қўнади.

Мана шундай қилиб, дол Фирот қирқ чилтондан берилган ваъдасига вафо қилиб, Авазхонга ҳам вафо, ҳам жафо қилиб, Афшардан эсон-омон қутқариб, Хол-

бек ботир деган майдон бор эди, шу майдонга бориб Фирот Авазни туширади. Шунда дол Фиротнинг жилловини ўз ихтиёрига ташлаб қўяди, дол Фирот йўл тортаверади, Авазхон нималарнидир ўйлаб кетаверади. Шундай бораётса, катта майдон саҳрода олдидан тилло шохли бир кийик чиқади. Авазхон ҳайрон қолади.

Дол Фирот анча кундан бери ўзини совутган, қарсоқдай қотган, ўзини чоқлайди, мерган отган ўқдай «ҳа» деб юборса, тилло шохли кийикка етгандай.

Шунда Авазхон дол Фиротга маниз бериб юборди. Дол Фирот тилло шохли кийикни қувиб, кенг саҳрога чиқариб, шу ўрталикда кийикни олади ушлаб, ўзини тўхтатади кийикнинг елкасидан тишлаб, Авазхон кийикнинг бошини кесади, бошидаги гавҳари Шом белгисини олиб киссасига солади. Гўштини тоза хуржунга солиб, бош-оёғини терисига ўраб, бир булоқнинг соясига қўйиб кетади. Энди Авазхон булоқдан ўтиб, саҳрога қараб кетаверсин, гапни бошқа ёқдан эшитинг.

Холбек майдонида Олатли Ҳунди деган заргар яшар эди. Бу заргар Ҳиндистон мамлакатининг подшоси эди. Заргарлик ҳунари билан мамлакатни қўлга олган эди. Унинг мамлакатига ҳам Зулфизарнинг расми тарқалган эди. Олатли Ҳунди Зулфизарнинг расмини ўзига олиб, киссасига солиб, дунёни тарк этиб, бошини олиб, шул Холбек майдонига келган эди.

Холбек майдонига келиб, бир ёғида Афшар дев, бир ёғида Шоҳдор дев борлигини сезади. Шунда Ҳунди шоҳ на ватанига кетади, на Шоҳдордан нарига ўтади, чўли биёбонда дардисар бўлиб яшайди. Шу вақт Ҳунди шоҳ заргарлик касбини юритади, шундай тилло шохли кийикларни тутиб олиб, гавҳари Шомдан лаъли мунчоқ қилиб, билагузук, сирға каби париларга керакли буюмларни ясаб, ўткинчи савдогарларга сотиб, бир ёғи Туб шаҳар мамлакатига заргарлик буюмлари савдогарлар орқали етиб бориб туради.

Ана шу Ҳунди шоҳ Туб шаҳарга юбораётган асбобларига ўзининг номи ва вазифасини ёзиб қўяр эди. Авазхон ушлаб олган кийикни олти кундан бери қамаб ушлай олмаётган эди.

Ҳунди шоҳ кийикни қувиб чарчаб, саҳрода бир чангалзорда «бари бир шу ерларда бўрилардан қўрқиб, саҳродаги булоққа чиқиб келади», деб дурбин ташлаб қараб ётар эди. Шунда Ҳундининг айтганидай бўлиб, кийик чиқиб келаверди. Бироқ Ҳунди шоҳнинг айтгани бўлмайди, кийикнинг изидан бир бўзотли тиркаб келиб

ушлаб олади. У кийикни опқон-сопқон қилиб булоқ бўйига келади. Хунди шоҳ ҳам бу ким экан деб, ола отини миниб, якка отлиққа дуч бўлиб: «Йўл бўлсин, бўзўғлон? Менинг овимни бериб кет, бу саҳролар ёмон жой, менга таслим бўлиб кет. Чамбилдан келган Нур-алибек бўлсанг, Зулфизарга қаллиққа бораётган бўлсанг, овингни менга берсанг, Зулфизарга мен совға-салом қиламан», деб, отнинг жасадини Чамбилнинг Фиротига ўхшатиб, назар-писанд қилмай сўзлаётган экан:

Ол-ол бўлсин, ол бўлсин,
Ризқи рўзинг мўл бўлсин.
Еган овқатинг, укажон,
Мусаллас билан бол бўлсин.
Чамбилдан келган, бўзўғлон,
Укажон, сенга йўл бўлсин?
Олис қолди бобонг макони,
Мен кўрган қирқ минг дўкони.
Овни бергин-да, бўзўғлон,
Келдингми, Авазнинг хони?
Мергандайн хезлабсан,
Стингни бундай тезлабсан,
Чамбилдан ният қилибсан,
Зулфизар ойни излабсан.
Оға Юнус тиккандир
Бошингдаги тоқини.
Қилавер кайфи чоғликни,
Минибсан Чамбил кўкини.
Қаерга борсанг, боравер,
Бериб кет овнинг ҳаққини.
Минганингдир лайли кўкча,
Этигингдир асли ўқча.
Овни бергин-да, беквачча,
Чамбилдан келган қулвачча.
Тоғнинг боши ҳуччи-ҳуччи,
Айлашиб қўнар кал жўрчи.
Сен бобонгдан қанча киччи,
Овнинг ҳаққи шул бўлар,
Бериб кетасан уч муччи.
Усганингдир Чамбил эли,
Очилсин-да, марднинг йўли,
Туб шаҳарда кутиб ётир
Сулувхоннинг барно гули.
Овни бергин, бойвачча,
Отинг Нурали, Аваз ули.

Овни бермасанг кетмайсан,
 Булоқдан бери ўтмайсан.
 Мард бўлсанг, овни бергин-да,
 Мергансан, мени отмайсан.
 Мерган бўлиб ёқаман
 Мен ҳам сенинг қувингни.
 Ботир бўлиб тутаман
 Баланд кўтариб тувингни.
 Овни бермасанг, жувонмарг,
 Ичирмасман сувимни.
 Ҳазиллашма, Нуралибек,
 Бериб кетгин овимни.
 Минганинг лайли бўзники,
 Молу мулкни тайёрла,
 Ё сеники, ё бизники.
 Олтиндан қилган асбобим
 Зулфизардай қизники.
 Овни бергин, Нуралибек,
 Бу дунёси қуриб кетсин,
 Яхши айтилган сўзники.
 Отни майдонда еласан,
 Чамбилдан ўзинг келасан,
 Сахрода дуч бўп қолдинг-да,
 Кўп пушаймон қиласан.
 Ўзингни ўнгар, Нуралибек,
 Олган овни берасан,
 Ёки мендан ўласан.

Олотли Ҳунди Аваз мардга дўқ-сиёсат қилди. Аваз-хон булоқдан отини сурориб, пишқиртириб, дам олдириб, булоқнинг аригидан кечиртириб нариги бетга олиб ўтди. Шундан кейин Авазхон Ҳунди шоҳга қараб, оёғини узангига тираб, мўйлабини бураб, ўзининг Авазхон эканини билдириб, «Зўрингни ўткарсанг, майли, овингни бераман»,— деб бир сўз айтиб турган экан:

Уйнаб давр сурайин,
 Сени синаб кўрайин.
 Овингни сўнг оласан,
 Сенга ўзим билдирайин.
 Мени Авазхон дейди,
 Бир хиллар шундай майдонда
 Бор сўзларни ёлғон, дейди.
 От минишимни кўриб,
 Нуралидай полвон дейди.

Сендайн заргар овчилар
Париви излаб келган, дейди.
Рост гапирай, Хунди шоҳ,
Кучинг етса гар майдонда
Овни мандан олгин, дейди.
Авазхон, дейди, мени,
Хунди шоҳ, дейди, сени,
Холбекнинг кенг майдони,
Овни кейин оласан,
Омон қўймайман сени.
Бу саҳрода Хунди шоҳ
Ўзингни чархлаб нордайн,
Ортилган тилло зардайн,
Ўзингни билиб шердайн,
Овни сўрайсан, бепадар,
Менда қарзинг бордайн.

Шундан сўнг Авазхон Хунди шоҳга майдонни кўр-
сатди. Икки ботир, бир-бирига ҳужум қилиб ётир, ик-
кови бир-бирига зарб билан найза уриб ётир.

Қўринг энди икки мардни,
Қўйди-да суриб уятни.
Билдирмакчи бўп зиёдни,
Ё пирим, деб, қилич тортди,
Икки қилич тегмай ўтди.
Қаранг энди, Хунди шоҳ
Ҳужум қилди Авазга.
Сабр бергин, худойим,
Аваз деган шоввозга.
Бисмилло, деб Авазхон
Шивирлади Фиротга.
Найза уриш навбати
Берилди имонсизга.
Келаётир Хунди шоҳ,
Ё ҳуй, дейди, Хунди шоҳ,
Авазга найза уради,
Аваз қимирламай туради.
Найза яқин келганда
Одамдан оқил дол Фирот
Найзага чап беради.
Авазга тегмай зарбаси,
Тегмай қолди найзаси.
Қирқ газ ерга киради.
Қаранг энди Хунди шоҳ

Авазга навбат беради.
 Аваз яқин келади,
 Қўлига қилич олади.
 Ё пирим, деб, Авазхон
 Бошига қилич солади.
 Шунда қаранг, Ҳунди шоҳ
 Қаҳ-қаҳлайди, кулади.
 Улишини у биледи..
 Тезлатиб урди у қилични,
 Қилички, билмай қолди.
 Қаранг энди, Авазхон,
 Қилични маҳкам тутеди.
 Урган қиличи яшиндай
 Ҳундини кесиб ўтади.
 Қаранг энди Ҳунди шоҳ
 Кулиб Авазга қарайди.
 Ўзи ўлиб боради,
 Ҳозир ҳам овни сўрайди.
 Овини сўраб Ҳунди шоҳ
 Мисли жардай қулайди.
 Ой қиблага ботади,
 Ёлғончи чанглатади.
 Овини сўраган Ҳунди шоҳ
 Шуйтб оламдан ўтади.
 Отни майдон елдирди,
 Авазлигин билдирди.
 Овини сўраган Ҳундини
 Холбек майдонида ўлдирди.

Мана шундай қилиб, Авазхон Гўрўгли отасининг айтганига қараганда, «шу ердан эҳтиёт бўл» деган сўзлари ёдига келиб, душмани Ҳунди шоҳнинг бошига етади. Ҳунди шоҳнинг бошини кесиб олади, Ола отининг қанжигасига камани очиб юборади. Унинг бор ёву яроғини Ҳунди шоҳнинг отига, эгарининг қошига илиб, юганини қайтариб бошига: «Бор, жонвор, эгангнинг арвоҳига салом айтавер!»— деб ҳайдаб юборади.

Ола от ўз ғорига бориб, беэга, бесоҳиб бўлиб ётаверсин, Авазхон қаландар сифати эмас, эшон сифатида бўлиб Туб шаҳрига кетаверсин, энди навбат бир ғорда ётган Шохдор деган девга етаверсин.

Шохдор ғорда ётган эди, гўёки тонг отган эди, биров уни турта бошлади, «Тура кел, Чамбилдан Аваз келди»,— деб хабар беради. Шохдор жойидан турса, ёнида

ҳеч ким йўқ. Чунки девларга пирлари эмас, зўрлигининг зиёнлари келиб хабар берар эди.

Жойидан туриб ҳайрон қолди, пистоқи зиён, қора зиён, сариқ зиён — ёмон зиёнларнинг бари девларнинг зўрлигига қойил эди. Чунки шу зиёнларнинг номини шу Шохдор дев билар эди. Сулаймон ўлмасдан олдин Сулаймонга яхшилик қилган эди. Шохдор дев зўрлигидан зиёнларнинг отини билган эди. Шунинг учун Шохдор дев девлар подшоси бўлиб қолган эди.

Девнинг Шолпор деган оти бор эди, отини миниб: — Қани, Аваз келган бўлса, бир ҳодиса бўлган бўлса, Ҳунди шохдан бориб сўрай-чи, Аваз келган бўлса билай-чи, у етиб келгунча йўлини олай-чи, шунга яраша тараддуд қилай-чи,— деб Ҳунди шохнинг ғорига келди.

Келса, оти турибди, кесилган Ҳунди шохнинг бошини қанжиганда кўради. Шунда ўзига тасалли беради. Ҳундининг отини етаклаб, қонини оқиздириб келган йўли билан излаб кетади. Дарҳақиқат, саҳродаги булоқнинг бошида саваш бўлган, Ҳунди шохни Аваз ўлдирган, лошини шу ерда қолдирган, қузғун-қарғалар Ҳунди шохнинг лошини гўштини суякдан кемириб еб, Авазга дуо қилиб ётишганини кўради. Чунки ҳайвон ва қушларнинг тилини ҳам билиш Шохдор девга Сулаймон пайғамбардан мерос бўлиб қолган эди.

Мана шуни кўрган дев, ўзи ифлос, мурдор дев, одамзодга ёв дев, булоқнинг бошидан оқ чодир тикиб, оққан сув кўл бўлиб қолган эди. Ана шу кўлдан балиқ овлаб ётаверди. Чунки Авазхон мард бўлса, шу ердан келса керак, деб ўйлади. Энди Шохдор дев ҳам ётаверсин, навбат Аваз мардга ётаверсин. Шунда Авазхон Туб шаҳрига қараб от ҳайдаб кетаётган экан.

Авазхон ишга шошади.
Дарёдай бўп тошади.
Ғайратга ғайрат қўшади,
Улмаганлар яшайди.
Отини ҳайдаб Авазхон
Равон йўлга тушади.
Туб шаҳарга борсам, деб.
Шул шаҳарни кўрсам, деб,
Отини ҳайдаб боради,
Парига хизмат қилсам, деб.
Уйнатади Ғирини,
Ёдлайди устоз пирини.
Бориб кўрсам, деётир,

Пари Зулфизарини
Отини ҳайдаб боради,
Кўринг Аваз сардорини,
Уйнатиб лайли бўзини,
Есам бориб тузини.
Отини ҳайдаб боради,
Кўрсам Сулувхон қизини.
Туб шаҳарни кўрмаган,
Элини қандай билмаган,
Хизмат қилиб толмаган.
Отини ҳайдаб боради,
Дўсту душманни билмаган.
Қандай душманни билмаган
Қандай бўлган кирдикор,
Дуч бўлганлар гуноҳкор.
Аваз Чамбилда навкар,
Агар ишни бажармаса,
Унинг иши бўлар бекор.
Уйнатиб борди тақинни,
Олсам хизмат қиб ҳақимни.
Узоқни қилар яқинроқ,
Чуҳлаб отин боради,
Дол Ғиротни сўқиниб.
Оти Аваз, ёронлар,
Чамбил элнинг тўраси.
Кўринади шаҳарнинг
Баланд чинор қораси.
Отин ҳайдаб боради
Гўрўғлининг боласи.
Олса номусни-орни,
Қистов қилиб тулпорни,
Шаҳарга яқин боради,
Аваз сезиб боради
Гулу лола баҳорди.
Баланд товнинг бастидан,
Ишончи зўр дўстидан.
От ҳайдаб борди Авазхон
Обод гулбоғ устидан.

Мана шундай қилиб, Авазхон шаҳар яқинида кенг гулбоғ, кирганнинг бўлади кўнгли чоғ, ҳаммаёқ озода, сув сепилган тоза; сарҳовуз, гулҳовуз, осмонга етадиган чинорлар, кун тегмаган гужумлар, етилиб ётибди арча гижимлар, соя-салқин, очилиб ётибди гуллар, сай-

раб ётибди булбуллар. Ҳамма нарсалар яшнаган, холи гиламлар тўшалган жаннатдай жойларни кўради.

Дарвоза очиқ экан, Авазхон боғнинг ичига киради, гулҳовузнинг яқинига боради. Авазхон у ёқ-бу ёққа қаради, бундай ажойиб жойнинг борлигига ҳайрон қолади. Бу жойлар аллақандай марднинг ёки бўлмаса қирқин қизларники деб билади. «Майли, насибам шул экан-да, шундай жойнинг одамлари билан танишайин, айтганига кўнайин, мендан мардроқ бўлса, уларга бўйсинайин», деб, Авазхон отидан таппа тайлади, Фиротни бир ўтли жойга бойлади. От соя-салқинда ўтлаб юраверсин, Авазхон аста сарҳовузнинг лабига келди.

Шундай қараса, бир томонда давлат кишилари ўтирадиган жой созланган, бир томонда ўйин-кулги бўладиган майдон созланган — шундай ажойиб жойни кўради.

Шунда Авазхон ўзига ўзи маслаҳат бериб, «булар мени сўраб келади-да» деб, тароқ хуржиндан ўзининг нону майизини чиқариб, чойдишда ҳовуздан сув олиб, ҳалиги тўшалган холи гиламнинг бир чеккасига ёнбошлаб, дастурхонни ёйиб овқатланаверади. Овқатланиб бўлиб ҳам эдики, Аваздан ҳеч ким хабар олмади.

Авазхон «тинчлик бўлсин» деб, овқатга фотиҳа қилди. Қолган-қутган нон, мевасини қайтариб хуржинига солиб қўяди ва аста жойидан туради. Отини етаклаб келиб ҳовуздан сувлатади. Отини яна бир бошқа гулбоққа бойлаб қўяди. Энди Авазхон оқиб бораётган сувга тоза таҳорат қилиб, худонинг фарзу қарзидан қутилади. Чарчаб келган Авазхон гиламга ёнбошлаб ётади. Шундай қилиб, у дам олиб ётаверсин, гап бу боғдаги хизматкорларга етаверсин.

Бу жой, бу боғу чаман Туб шаҳар мамлакатининг паризоди Зулфизарга таъйин қилган эди. Гулу лола, наврўз байрами бўладиган давр эди. Бу байрамга тайёрланган жойга Юлдуз пари, Қундуз пари деган хизматкорлар борган эди. Бу парилар Авазнинг келишидан олдин боғу чаманларни созлатиб, безатиб, қирқин қизларга жавоб бериб, жўнатиб юборган эди. Юлдуз пари билан Қундуз пари энди овқатланишга ўтирган эди. Авазнинг кирганини парилар кўриб эди. Бу қандай улуғ зот, деб, улар қараб турган эдилар. Зулфизарнинг Нуралибек деган гапини улар қулоғига олган эдилар. Улар кузатиб турган пайтда Авазхон ёнбошлаб қолган эди.

Юлдуз Пари Қундуз парини Зулфизарга хабарга

юборади. Узи келган меҳмоннинг орқа томонидан келиб, кўнглида бор гапини айтиб турган пайти:

Отни майдонда елибсан,
Чамбил деган мамлакатдан келибсан,
Чарчаб, ҳориблар қолибсан,
Жасадингга қарасам,
Ботирлар ичида қолибсан.
Чамбилдан келган Нуралибек,
Бу ерга хуш келибсан.
Бўтадайин бўзлабсан,
Ботирдайин хезлабсан.
Минган отни, жезнажон,
Қарчиғайдай созлабсан.
Хуш келибсан шул ерга,
Зулфизарни излабсан.
Ғиротдир минган отинг,
Нурали, Аваздир авлодинг.
Нурали жезнамдай жасадинг,
Парига бордир иззатинг,
Мақсадингга етасан,
Тўғри бўлса ниятинг.
Олдингга овқат қўяйин,
Туядан, қўйдан сўяйин.
Тўбадан ўчоқ ўяйин,
Париларни йиғдириб,
Олдингга дастурхон ёяйин.
Чарчаб келибсан, жезнажон,
Сени уқалаб қўяйин.
Миниб келибсан Ғирингни,
Излаб келибсан Ёрингни.
Номус билан орингни,
Кўрдинг-да гулзорингни,
Шошилмасанг, жезнажон,
Қурасан рўзгорингни,
Елғончини ғам дема,
Алиф турганда лом, дема.
Сахро турганда қум, дема,
Фақир турганда шум, дема,
Йигит кишисан, ғам ема,
Менга бир қара, жезнажон,
Мен ҳам олифта париман,
Зулфизардан кам дема,
Тоғнинг боши ҳуччи-ҳуччи.
Зулфизарнинг тили аччи (қ).

Мени Юлдуз пари дейди,
Тилим бордир болдан чучу(к).
Бир қараб қўйгин, жезнажон,
Мен Зулфизардан киччи(к),
Рози бўлсанг, жезнажон,
Бераман сенга уч муччи.

Юлдуз пари Авазни Нурали жезна деб, ўзининг бўй етганлигини, Нуралибек деб кўнгли кетганлигини билдириб тураверди.

Шунда Авазхон «парилар тентак, ўзлари андак, гаплари ширин қанддан бўлади» деб, ҳақиқатан ҳам бу жой Зулфизарнинг сайилгоҳ гулбоғи эканини билиб олди. Шундай қилиб пари минан Авазхон узоқдан қўл силташиб, гаплашиб тураверсин, энди гапни Қундуз паридан эшитасиз.

Қундуз пари ўйнаб-кулиб, оёғини қўлига олиб, ҳарсиллаб толиб, Зулфизарнинг ўтирган мазгилхонасига кириб боради. Қундуз пари билан саломлашгандан кейин Зулфизар Қундуз парининг шошганлигини, дарёдай тошганлигини, дарди дардига улашганлигини, янги гап бўлганлигини сизди. Зулфизар ойнага қараб, Қундуздан ҳол-аҳвол сўраб турган, Қундузнинг жавоб бераётган вақти:

— Боғларда гулинг тўлдими,
Аввал айтганинг келдими,
Сен келибсан бу ёққа,
Юлдуз суҳбат қурдими?
Рост гапиргин, Қундузжон,
Қаландар меҳмон келдими?
— Келиб қолди айтганинг,
Нурали номин тутганинг,
Хафа бўлма, опажон,
Нурали деб тилга битганинг.
— От чопилса, чиқар чанги,
Мард йигитнинг чиқар донғи,
Тез гапиргин, Қундуз пари,
Отининг қандайдир ранги?
— Кўрган сўнг бўлар, опажон,
Кўнглинг ҳам бўлар-да тўқ.
Кўнглинг бўлар доим оқ,
Тўғри бўл, энангга боқ.
Меҳмон отини сўзласам,
Қаптардайин мисли кўк.

Кўргандан кетди-да ҳушим,
Олдингда ўчсин-да товушим,
Қиёлмай қолдим ковушим,
Кўрсангиз, кўнглингиз тўлар,
Рост айтаман-да, бибишим.

Қундуз пари бўлган воқеани Зулфизарга баён қиладди. Шунда Зулфизар Оқил пари деган бош канизини чақириб:— Ҳа, эртан борсак, бугун бордик-да, эрта бўладиган байрамлик жойга меҳмон келиб қолибди, у киши зерикмасин, бизни кутиб қолмасин. Ой сутдай ёруғ, тиклаб қараса, кўринади тариқ, сувлар тўла катта ариқ, кийган кийимларинг кўк минан сариқ, қирқин қизларни созлатинглар, қизлар сўраса, оқ суяк ўйнаб келамиз, деб айтинглар,— деб айтди.

Шунда қирқин қизлар созланиб-нозланиб, ўзига бино қўйиб, қўлига хино қўйиб, оқ суяк отишиб, ўйин қилиб, боққа жунаётган экан:

Қарши минан Ғузорға,
Қийқувлашган қизлар-а,
Тайрон ошқан йигитлар
Мунчоғини узар-а,
Бўйи етган қирқин қиз
Елғончидан безар-а,
Эҳтиёт бўлгин, қизлар-а,
Овлаб келса йигитлар
Қўрғончангни бузар-а,
Ҳейла, жўнар ойпар
Қирқин қиздан илгари.
Биқ-биқирдаб, биқирдаб,
Бақалоғи шиқирдаб,
Укча баланд кўк ковуш
Тошга тегмай шиқирдаб.
Патакни қалин қўйинг,
Оёқни қабартмасин.
Нозик белни суяб юр,
Энадан синиб кетмасин,
Шамолни бер ҳулвилаб,
Оқ бадан терламасин,
Сочбоғни ушла, қирқин қиз,
Хом қўйруққа ботмасин.
Тузув созла, қирқин қиз,
Бизлардан айб ўтмасин.
Тилимиз тойиб кетмасин,

Гапимиз ғойиб кетмасин.
Ўйин жойга борганда
Бизларни уялтирмасин.
Ҳейла, жўнар ойпари
Қирқин қиздан илгари.
Ойим ўзи хутдай бўп,
Кўкракдаги жузиси
Янги пишган сутдай бўп.
Ҳейла, жўнар ойпари
Қирқин қиздан илгари.
Боз-бозгина, бозгина,
Оғзида чанқовузгина,
Ҳаммаси қора кўзгина.
Кўкрагида кўринар
Худойим берган безгина.
Она, деган, товуши
Сибизиклардан созгина.
Сувли ерга тўхтайди
Осмондаги ғозгина.
Ҳейла, жўнар ойпари
Қирқин қиздан илгари.
Ойим ўзи ойпари,
Ийланмаган хом тери.
Бир кеча бирга ётса,
Кўҳна касалга дори,
Ҳейла, жўнар ойпари
Қирқин қиздан илгари.
Ойим ўзи ордай бўп,
Ушланмаган шардай бўп,
Баданининг оқлиги
Тўқсондаги қордай бўп.
Кўкракдаги жузиси
Янги анордайн бўп.
Ҳейла, жўнар ойпари
Қирқин қиздан илгари.
Ойим ўзи ойчинор.
Кўйнаги баргичинор,
Камзули бор сединор,
Кўзлари хумор-хумор,
Ҳар эйнида, ёронлар,
Уттиздан-олтмиш тумор.
Уни кўрган бўйдоқлар
Олтойлаб бўлар бемор.
Ҳейла, жўнар ойпари
Қирқин қиздан илгари.

Ойим ўзи ойимча,
Беллари бордир хипча,
Кўкракдаги жузиси
Кекайдига¹ уч думча.
Ҳейла, жўнар ойпар
Қирқин қиздан илгари.
Сочбоғини қилдирган
Асл ипак пилладан.
Уқиган-да, жувонмарг,
Адаб олган мулладан.
Ковушининг наҳали
Сўлдирган сўм тилладан.
Энгсидан тушган жималак
Ошаркан индаллодан,
Чаккадан қўйган пўпаги
Ошиб турар сийнадан
Қўлингиз тегса, ёронлар,
Озод бўласиз гуноҳдан.
Ҳейла, жўнади ойпар
Қирқин қиздан илгари.
Ой неччага-неччага,
Мисолдир бир нечага.
Оқ суяк отиб борар-а,
Қийқувлашиб кўчага.
Яхшилаган жўмалак,
Суланиб тушган учага.
Оқ сўягин отар-а,
Қийқувлашиб кетар-а.
Гулзор устидан боради,
Саҳар пайт — тонг отар-а.

Ана шунда парилар оқ суяк отишиб, бир-бирига қийқувлашиб, гап қотишиб кўшкнинг устидан боради. Шунда Зулфизар пари боққа яқин борганини сезади, беш канизни Оқил пари қирқин қизларни тўхтатади.

Шунда Зулфизар пари айтади:

— Мен шу ўйин жойга келишимни, оқ суяк отишни ният қилганман,— деб оқ суякни қўлига олиб, икки биллак кучини бир билакка йиғиб, боғнинг бир чеккасини кўзлаб отди. Оқ суяк бир чақирим ерга бориб тушди. Қирқин қизларнинг нима иши бор, «оқ суяк ўйнашга келганмиз-да» деб, оқ суякни қидираверсин, Зулфизар пари Оқил пари, Қундуз париларга тайинлайди: «Эҳ-

¹ Жой номи.

тиёт бўлинглар, қирқин қизлардан ҳеч бири сарҳовузларга яқин келмасин!» Қизлар ўйин-кулги қилаверсин, энди гапни Зулфизар паридан эшитинг.

Зулфизар пари хосса кўйлакни кийганди, кўрганнинг кўнгли тўлганди, ҳар қандай мард йигит ҳам қўяди ёлғон айтишни, «шу парини олмасам» деб яхши кўради ўлимни.

Ун тўртда тўлган ойдай бўп, қоши эгилган ёйдай бўп, париларга чорлаши сурнайдан чалинган куйдай бўп, «Келинг, меҳмонжоним!»— дегани юракка ёпишадиди найдай бўп, ҳовузнинг ёқасида ётибди мисли қўйли бойдай бўп, паризод келади тарбияланган тойдай бўп.

Мана шундай қилиб, паризод келган меҳмон — Авазга қараб, сочини тараб, тилини бураб, кўрган тушини яхшиликка жўраб, «Чамбилдан келгаан бек тўрам», деб, гаплашиб турган вақти экан.

Ўйлайверсам, таналарим шовшайди,
Бир хил ишга бўғинларим бўшайди,
Ўлмаганлар шу дунёда яшайди,
Бир хил банда бу ўлимдан қақшайди.
Келишингни баён бергин бўз ўғлон,
Минган отинг дол Фиротга ўхшайди.
Отим менинг билсанг агар — Зулфизар,
Ўсган жойим билсанг агар — Туб шаҳар.
Кўнглим менинг доим баҳор,
Келишингни баён бергин боябкор,
Минганинг эмасми Фиротдай тулпор,
Ўз элимда шундай давр сурганман,
Бўйим етиб полвон оша бўлганман,
Яширмай ростини гапир, бўзўғлон,
Қирқ кун аввал мен шу ерда
Саҳар вақти уйқуда туш кўрганман,
Кўрганимда мард эканди жасадинг,
Шул тушимда кўрганман дол Фиротинг.
Билган эдим оти Нуралидай мардинг,
Нурали тўрам билсанг агар, гапиргин,
Номинг билсам, қўяман-да уятни.
Нуралибек майдонда от чопишган,
Бу тушимда ўйнаб-ўсган, қопишган.
Боғ чаманда бирга юриб ўпишган,
Нурали деса, менда тоқат қолмайди,
Юрагимга меҳри қаттиқ ёпишган.
Олис қолганди орам,
Ёлғон десам, таом ҳаром.

Елка сочим қирқ ўрам,
Тақдиримни сенга қўшдим,
Яратган эгам, жон тўрам,
Номус билан оринг келди.
Роҳат қилиб ётар бўлсанг,
Гуллаган олмазоринг келди.
Бошингни кўтар, бек тўрам,
Зулфизардай ёринг келди.
Қараб ушлагин қўлимдан,
Хабар олгин-да ҳолимдан.
Мен қўрқарман, бек тўрам,
Бемаҳал келган ўлимдан.
Хайр қилсанг, бек тўрам,
Қучасан нозик белимдан.
Нуралибек бўлсанг керак,
Сўргин болингни лабимдан.
Айтишга ширин сўзимдан,
Гилосдай қора кўзимдан
Рост гапиргин, бек тўрам,
Излаб келган қизингман,
Элида даврон сурдими,
Чамбилни бориб кўрдими,
Аҳволини билдирдими,
Сулувхондай бек отам
Чамбил элига бордими?
Нуралибек, севдим сени,
Ё излаб келдингми мени?
Рост гапиргин, бек тўрам,
Тилинг бўлса, гапир қани?

Шунда Авазхон Зулфизарнинг дунёдан тўйганлигини, ёлғончидан куйганлигини, отасининг Чамбилга борганлигини, душман қўлида шарт билан турганлигини айтади. «Энди мен ўзимни Авазхон деб танитиб юборсам, Туб мамлакатадаги бўлаётган воқеаларни аниқлаёлмай қоламан, келинг, бу парига ўзимни отасининг эшон пири деб билдирайин»,— деб қарор қилади. Ана шу ҳаёлда Авазхоннинг Зулфизар парига сўзлаётган вақти,

Қулоқ солгин паризод,
Носоз гап бўлар уят.
Сенинг гапинг ҳаддан зиёд.
Гапирганинг тўғри ният
Ўзимни сенга танитай,
Одам тирик, бордир ҳаёт,

Қаторида норингман,
 Елгон ичра борингман,
 Тўрам дема, паризод,
 Отангнинг мен пириман.
 Паридир сенинг нишонинг,
 Сўнмасин боғда гулшанинг,
 Тўрам демагин, пари қиз,
 Мен бўламан ҳалакилик эшонинг.
 Ҳолингни билмакка келдим,
 Сўзлашиб турмакка келдим,
 Сенга совчилар келибди,
 Куллуқ бўлсинга келдим.
 Бўйинг етибди, муштипар,
 Сенга керакдир кўз тумор,
 Кўзчилар кўзи тегмасин,
 Тумор бермакка келдим.
 Белингдаги пўтангни
 Чамбил элга кетди деб
 Эшитдим мен отангни,
 Эшонингни билгин сен,
 Кечирдим барча хатонгни.

Шунда Зулфизар: «Тавба қилдим, эшон пирим. Хуш келибсиз»,— деб, қирқин қиз париларидан йигирмасини чақриб олиб, «Эшон пиримиз келибди»,— деб, тугилмаган гиламларни кўтаришиб келиб, эшоннинг оёғига тўшаб, «эшон пирим» деб қўлтиқлашиб, сарҳовузнинг ёнидаги обод уйга жойлаштирди. Парилардан Оқил пари, Қундуз пари ва Юлдуз пари кабилар эшоннинг атрофини айланиб хизмат қилаверди. Алқисса, таом тортилиб, суҳбат қуришиб, вақт саҳарга етади. Ҳамма хизматкорлар дам олиб ётишади.

Шунда эшон пир — Авазхон Зулфизар паридан қоғоз ва қалам сўратиб олади, «Тонг отмай туриб тумор ёзиб берсам, бунинг хислати катта бўлади»,— дейди.

Шунда Зулфизар пари эшоннинг талабларини бажариб ўз қўли билан қоғоз-қаламни эшонга олиб келади. Эшон — Авазхон шундай тумор ёзади: «Отим — Авазхон, минган отим — дол Фирот, мамлакатим — Чамбил», деб туморни ёзиб, уч буклаб парининг қўлига узатади. Пари: «Бу қандай тумор»,— деб эшондан сўрайди. Эшон: «Кўз тумор, суқ тумор»,— деб жавоб беради.

Паризод туморни олиб, ўзининг ётадиган жойига қайтади. Ётмасдан туриб эшоннинг туморини ўзим ўқиб

кўрай деб ўқиб кўрса, Нуралибекнинг отаси Авазхон эканлигини билади, худога шукурлар қилиб, бу туморни манглайига илади, туморни зиёрат қилади, паризод кўп шодланади. Шу ўртада тонг отади, Авазхон ўрнидан туриб, тоза таҳорат қилиб, худонинг фарзу қарзидан қутулади. Икки ракат шукрона ўқиб, яхшиликни, тинчликни тилаб дуо қилади.

Парилар ҳам дарров эшоннинг — Авазхоннинг олдига чой-нон опкелиб қўяди. Шу пайтда отбоқар пари қизлардан хабар келади.

Эшон пири келди дегандан дарров дол Ғиротни отбоқар қизлар етаклашиб, отхонага бойлаб, олдига ем-хашак тайлаб, устидан эгаржабдугини оладилар. Отни қашлашиб хурсанд қилишиб, навбат билан тўйғазишиб, тонг отгандан кейин сувлантириб келадилар. Отни қозикқа бойлагандан кейин эгарлаб қўйиш ниятида бўлади хизматкорлар. Лекин дол Ғирот хизматкор қизларни ёнаштирмайди. Бу хабар Авазга етади.

Авазхон жойидан туриб, отига томон кетади. Отни қашлатиб, эгар-абзални қўйиб, белини тортади, тўқатўқага етади, от белини замбар этади, пари қизларга яна нўхтасидан еталатади. Шунда Авазхон отнинг қулогига секин шивирлаб қўяди.

От сувини ичкандан кейин совуқсираб, диркиллаб, кишнаб, ўттиз икки нағмада ўйнай беради. Ҳамма пари қизлар: «Эшонимизни зиёрат қилайин», — деб келсалар, оқ ўтовда эшон йўқ. Шунда эшон от ўйнатиб ётибди, деган хабар келади. Зулфизар бошчилигида ҳамма парилар от ўйинини томоша қилгани боришади.

Авазхон отнинг устига бешталаб-ўнталаб париларни миндириб, ўзи отнинг нўхтасидан ушлаб айлантриб ўйнатади. Оқил пари, Қундуз пари, Юлдуз париларни, уларга яқин бошқа париларни ўзи отга миндириб, чирик қилиб, калта чайқатиб ўйнатдиради. Ана шунда Зулфизар парининг ҳам от ўйнатишга кўнгли кетади. Уни ҳам Авазхон отга миндириб, даврани бир неча марта айлантриб ўйнатади. Кейин отни тўхтатиб, Авазхон ўзини танитиб, «Қизилбошга хабар беринглар, Чамбилга кетдим», — деб турган жойи экан.

Арзимни эшит, парилар,
Яшанглар нари-берилар,
Қулоқ солинг, қирқин қиз,
Мени Аваз деб билинглар,
Мени сўраса қизилбош,

Чамбилдаги Аваз, денглар.
Мингани лайли бўз, денглар,
Ўзи қора кўз, денглар.
Хабар беринг қизилбошга,
Миндирган пари қиз, денглар.
Отни майдонда елдилинг,
Хафа қилмай кулдилинг,
Аваз Чамбилдан келди, деб,
Хунхор шоҳга билдилинг.
Шодлик билан кулди, деб,
Эшон бўп меҳмон бўлди, деб,
Хабар беринг душманга,
Зулфизардай парини
Қарчигайдай илди, деб,
Меҳмон бўп Аваз ётди, деб.
Минибди лайли отди, деб.
Миндириб олди Ғиротга
Зулфизар паризодни, деб.
Хабар беринг қизилбошга,
Паризодни миндириб
Чамбил элга кетди деб.

Шунда парилар қийқувлашиб қолаверади, Авазхон Чамбилга равона бўлаверади.

Энди Авазхон Зулфизарни олиб Туб шаҳар мамлакатдан ташқари чиқиб кетди, уч кеча-кундуз йўл тортиб, Заркамар деган бир мазгил жойга етди. Иккови ҳам отдан тушиб, ўзлари овқатланиб, отни ҳам ўтлатиб, бир оз дам олишди. Шунда Авазхон парига:

— Биз ҳозирча бу ерда дам олиб туришимиз керак. Чунки сенинг қасдингда Хунхор подшолиги мамлакатингга бостириб келади. Агар биз тўғри Чамбилга кетиб қолсак, Аваз номард экан, қўрқоқ экан, деб бизларни камситади. Балки изимиздан лашкар тортиб, Чамбилга, бориб уриш қилиши мумкин. Шунинг учун уч кеча-кундуз йўл тортдик, уч кеча-кундуз душманни синаб ётишимиз керак,— дейди.

Иккови гапни маъқуллашиб, дам олиб ётишаверсин, энди гапни Туб шаҳар мамлакатадаги қирқин қизлардан эшитинг.

Қирқин қизларнинг бош париси Зулфизар эса шаҳарни ташлаб кетиб қолди, энди Оқил пари, Қундуз ва Юлдуз парилар маслаҳатлашиб, Хунхор шоҳ мамлакатдан келиб Туб шаҳар мамлакатини ўраб олган лаш-

карбошиларга хабар беради. Уларга: «Чамбилдан келган Авазхон минган оти Ғиротга миндириб, Зулфизар парини олиб кетди»,— деб хабар берадилар.

Шунда душманлар шошилиб, ҳовлиқиб: «Вақтни бекорга ўтказмайлик, Авазнинг изидан қувиниб етиб, бошини кесайлик, терингни шилайлик, Зулфизарни қайтариб олиб келайлик»,— деб айтади.

Мана шунда ҳамма лашкарлар Авазнинг устига тўда-тўда, лак-лак бўлиб жўнаётган экан.

Тўп-тўп бўлди, тўп бўлди,
Йиғилишиб кўп бўлди.
Кўчалар тўлиб қолди,
Узоқ-узоқ, яқиндан
Лашкарлар келиб қолди.
Ботирлар ейди, ёронлар,
Бовир билан қуйруқни.
Синчи ботир билади
Тентак билан югрукни.
Лолов-лолов дейишиб
Жўнашга олди буйруқни.
Дарвозадан ўтаётир,
Аваз томон кетаётир,
Мирзаси битаётир,
От ҳайдашиб қизилбош
Изма-из етаётир.
Аввал қирқ минг жўнади,
Бу ҳаммаси камончи.
Яна қирқ минг жўнади,
Милтиқли уста темирчи.
Яна қирқ минг жўнади,
Нон ёпадиган новвойчи.
Яна қирқ минг жўнади,
Қора қавли кўмирчи.
Яна қирқ минг жўнади,
Бари қизил саллали.
Яна қирқ минг жўнади,
Ялонғоч, ялтироқ каллали.
Яна қирқ минг жўнади,
Оқ қолли-ю, кўк қолли.
Яна қирқ минг жўнади,
Жийрон отли, тўр отли.
Яна қирқ минг жўнади,
Кулранг отли, бўз отли

Яна қирқ минг жұнади,
Маллали-ю, қаллали:
Яна қирқ минг жұнади,
Той ияртган кўк отли,
Энди қирқ минг жұнади,
Донғи кетган муллали.
Яна қирқ минг жұнади,
Бул ҳаммаси айёрли.
Яна қирқ минг жұнади,
Мурти шоптай бўлгандан,
Қорни қопдай бўлгандан,
Чўчқа гўшти егандан.
Бу бандани, ёронлар,
Улим деган ўртади.
Тўпу тўпхона, яроқни
Аробага ортади.
Арпа-буғдой олар қилтиқ,
Сипойининг ғани шилтиқ,
Аравага босаётир
Кўп ҳисобсиз фаранг милтиқ.
Деҳқонлар ҳайдар ҳўпни,
Дунёда жанжал кўпди.
Аравага босаётир
Оғзи катта анҳор тўпни.
Милтиқ отар патир-путир,
Ҳеч қолмади юзу хотир,
Аравага босаётир
Сон-саноқи тув шотир.
Ошхўр, ошингни пишир,
Тушма ароба устидан.
Гўштхўр, гўшингни пишир,
Тушма ароба устидан
Чойхўр, чойингни қайнат,
Тушма ароба устидан.
Сонсиз душман отланди
Авазхоннинг қастидан.
Арава кетди ғилдираб,
Мис чилими чилдираб,
Арава кетди тақирлаб,
Мис чилими қақирлаб,
Қўшин кетди жардай нураб,
Қарқаралар қорланди,
Ҳаволар губорланди.
Бир Авазнинг устига
Сонсиз душман отланди.

Ана шундай қилиб Авазнинг изини олиб борган лашкарлар Заркамарнинг теварагини саккиз минг саккиз юз саксон қабат қилиб ўраб олади. Душманлар атрофини ўраб олиб тураверсин, энди гапни Авазхондан эшитинг.

Авазхон тоза таҳорат қилиб, икки ракат шукрона намозини ўқиб, худонинг фарзу қарзидан қутилиб, бир қўлига дол Фиротнинг жиловини ушлаб, бир қўлига Зулфизарнинг сочини ушлаб, қиблага қараб, пирларидан қувват сўраб турган вақти:

Худо, дейди, йиглайди,
Худодан мадад тилайди.
Авазга бўлсин мадад, деб,
Ҳақдан нажот сўрайди.
Остида бор лайли Фири,
Бошлансин энди зўри,
Авазнинг бу ихтиёри.
Авазхонга мадад бўлсин,
Муҳаммаддай пайғамбари.
Мардга керакдир мардлик,
Зотларга керак зотлик.
Авазхон мадад деб йиглар
Чориёр — Абубакри Сиддиқ.
Одамлардан зўровори,
Қойил бўлган элнинг бари.
Отидан ўтмаган тири (к),
Авазхонга мадад берсин,
Иккинчи чориёр пири.
Ўлмайдикан одамжони,
Остида ҳайвон тулпори.
Авазхонга мадад берсин
Учинчи чориёр — Усмони.
Минганда таралсин бедовнинг ёли,
Очилсин ҳамиша мардларнинг йўли.
Авазхонга мадад бўлсин
Ҳазрати Алидай чориёри.
Йигитда бўлмасин, қилмасин низо,
Мададкор бўлсин-да яратган ризо,
Йигитнинг бор номус-ори,
Яхшироқ тортилар дуторнинг тори,
Авазхонга мададкор бўлсин,
Гўрўғли султони, қирқ чилтон пири.

Авазхон пирларини ёд айлаб, Зулфизарга «энди бир

худо, деб тураверасан, мен энди душман билан бир савалашиб, куч синашиб кўрай» деб, дол Ғиротнинг белига миниб, кўзи қизариб, манглайи тозариб, ҳозирча худо паноҳига, деб, пари билан хайрлашиб, Заркамарнинг дарвозасини қамаб, ўзи душманга қараб шитоб билан жўнаб кетди.

Минди бедовнинг белига,
Қилични олди қўлига,
Майиз беради молига,
Ё пирим, деб Авазхон
Тушди Алининг йўлига.
Кўзин очиб қараган,
Пирлардан мадад сўраган,
Сон-саноқсиз душманлар
Атрофини ўраган.
Кун қиём бўп, кеч бўлди,
Душман душманга ўч бўлди,
Қиличи яланғоч бўлди,
Отини ҳайдаб Авазхон
Душманга аралаш бўлди.
Майдонда саваш бўлди,
Изғин тортганда лош бўлди,
Вой-войлаш, қулаш бўлди.
Бўйни узун араби от,
Чопилди майдон ичинда,
Қалта бақалоқ бўлди танг,
Йиқилди майдон ичинда.
Бўйни калта бедовлар
Тиқилди майдон ичинда.
Кучи йўқ неча ҳайвонлар
Букилди майдон ичинда.
Ул у ёндан от қўйди,
Тўқай тутгандай бўлиб,
Бул бу ёндан от қўйди,
Йўлбарс ютагандай бўлиб.
Ул у ёндан от қўйди,
Илон ютгандай бўлиб.
Бул бу ёндан от қўйди,
Лайлак ютагандай бўлиб.
Ул у ёндан от қўйди,
Чигиртка ютгандай бўлиб,
Бул бу ёндан от қўйди,
Чирпиб ютгандай бўлиб,
Ул у ёндан от қўйди,

Қўйлар ютагандай бўлиб,
Бул бу ёндан от қўйди,
Бўри ютагандай бўлиб,
Ул у ёндан, бул бу ёндан,
Қон қуйилди ерга тандан.
Қиличлар ярақлаётир
Уриш бўлиб бу майдондан.
Биринг қўрқсанг, келавер,
Келавергин ўнталаб.
Ўнинг қўрқсанг, келавер,
Келавергин қирқталаб.
Келганини Авазхон
Ташлаётир нимталаб.
Одамдай оқил дол Фирот
Ўйнаётир эркалаб.
Душман қочиб боради,
Жабдуғини орқалаб.
Лалов-лалов деётир,
Пишдими палов, деётир.
Қоронғуда қормалаб
Бир-бирини туртади.
Сенинг жонинг борми, деб,
Орқасидан қувади.
Ҳай-ҳай, дейди, қўймалаб,
Ун икки тайлаб ўймалаб.
Кураш бўлган майдонда
Тайлаётир қиймалаб.
Найза сабовдай бўлди,
Ўлик арпа, буғдой бўлди,
Буни билан худой бўлди,
Ўлик тўлган сой бўлди.
Ким ўлиб, кимлар қолди,
Шул аҳволда кўп жанг бўлди.
Сувоқ минан сойлардан
Сув ўрнига қон оқди,
Тош кўрмаган неча сой
Тош ўрнига бош кўрди,
Авазни қувган душманлар
Майдонда носоз иш кўрди.
Қаерга борса, ёронлар,
Қаловли ётган бош кўрди.
Ўйнатади лайли бўзини,
Қувиб индирди душманни,
Холбек майдонида изини.
Оқлади-да Авазхон

Чамбилбелда еган тузини.
Тортиб олди Авазхон
Зўрлаб келган душмандан
Сулувхоннинг қизини
Ўзини Аваз чоғлади,
Душманга қаттиқ дўқлади.
Насиясини нақлади,
Қаранг, энди Авазхон,
Еган тузин ҳақлади.

Ана шундай қилиб, душманнинг ўлгани ўлди, қолгани қолди, ўзлари шарманда бўлди, олдин қочганлари хунхорга етиб борди, Сулувхоннинг қизини Аваз Чамбилга олиб кетибди, деган хабар Хунхор подшолигига етибди.

Шундай қилиб, душманлар енгилиб, душман мамлакатида: «Чамбил зўр давлат экан»,— деган гаплар бўлиб тураверсин, энди гапни Авазхондан эшитинг.

Авазхон Заркамарни дарвозасини очиб, ичкарига кириб, Зулфизар билан саломлашди. Отидан тушиб, отини паризод жиловидан ушлаб, эгар-абзалини олиб, Заркамарнинг булоқ сувларига Ғиротни чўмилтиради. Авазхон ҳам ўзининг совуту қонга ботган қалқонларини сувга тозалаб, бир-икки пиёла чой ичиб, бир-икки оғиз нон еб, дарров отини созлаб, яна кетаверди Чамбилни излаб.

Шунда Авазхон пари билан гаплашиб борапти. Пари:

— Чамбилга яқин келдикми?— деб сўради.

Авазхон:

— Ҳа, шошилма, дарёдай тошма, от ҳайдаб юраверсак, кечами-кундузми етиб борамиз,— деди.

Шундай қилиб, Авазхон ўзи хавфсираган жойларга яқин келаверди, секин дурбинни олиб қарайверади. Дурбинда Хунди шоҳ ўлган булоқнинг бўйида бир оқ чодирни Авазхон дарров Шохдор девники эканини билди. Чодирга яқин келди, пари ҳам чодирни кўради, Пари Аваздан:

— Шундай жойларда ҳам чодирли эл бўладими?— деб сўрайди.

Аваз Зулфизарга қараб:

— Шу ерда бир булоқ бор, шу булоқнинг бошида Сахро беги деган одам бор, шуларнинг девонбегиси-да, бу,— дейди.

Ана шунда Авазхон тортинмасдан чодирнинг устидан боради. Шохдор деб ҳам отини созлаб, Авазнинг яқин келишини кутиб турган экан. Тезда отини миниб, Шохдор дев Авазнинг олдини олади. Авазхон Зулфизарни ерга тушириб қўяди. Зулфизарга: «Сен чодирга бориб дам олиб, икковимизнинг қилаётган ишимизга қараб ётгин. Албатта, менга омад тиловчи бўлиб турасан»,— дейди. Пари чодирга қараб юради, энди икки ботирнинг учрашишини кўринг:

Гапни гапга улади,
Одам мард-номард бўлади.
Мақтаётир Шохдор дев,
Авазга яқин келади.

Шохдор дев:— Авазхон дейди сени,

Бу ер зўрнинг майдони,
Тез калмангни қайтаргин,
Омон қўймайман сени.
Минибсан отанг бўзини,
Егансан Сулув тузини,
Таниб қўйгин, Авазхон,
Шохдор девнинг ўзини.
Тавба қилсанг шу ерда,
Ташлаб кет пари қизини.
Минибсан лайли Ғирини,
Кўрганинг йўқ-да зўрини.
Олиб келибсан, Авазхон,
Зулфизардай қизини.
Душман, душманга дуч бўлдинг,
Аваз, сен менга ўч бўлдинг,
Тез калмангни қайтаргин,
Энди қўлимда ўлдинг.
Дуч бўлган мендан ўлади,
Ажали тўлган келади,
Тавба қилсанг, Авазхон,
Пари Чамбилга боради.
Шунда қаранг, Шохдор дев,
Дўқ қип Авазга туради.

Авазхон:

— Мени билсанг, Шохдор дев,

Чамбилдаги Авазман,
Қалласи катта гавазман,
Мард ичра найзабозман,
Кел, мардларнинг майдони,
Иш бажарган шоввозман,
Отни майдонда елмадинг,
Кўп гапирдинг, шайтон дев,
Узинг динсизсан, билмадинг,
Мени Авазхон дейдилар,
Гап билан кўзга илмадинг.
Ҳар кимда бордир номус-ор,
Менинг қизиқ чилтон пирим бор,
Сен айтгин, қандай пиринг бор,
Сенинг маконинг қаерда,
Ватан, дўсту ёринг бор,
Таниб қўйгин Авазни,
Чамбил деган шаҳрим бор.
Сен билгин-да, Шохдор дев,
Қалма айтган тилим бор.
Сенинг турар жойларинг,
Форга ўхшар гўринг бор.
Мунча кўп гапирасан,
Бул мардларнинг майдони,
Улгунча ихтиёринг бор.
Минган отим лайли кўк,
Бегуноҳдир тақдир ҳақ,
Гапман юракка солма доғ,
Худо бор, пайғамбар ҳақ,
Қалмангни қайтар, Шохдор дев,
Ишингни қиламан чатоқ,
Шундай иккови хушланди,
Орага гаплар ташланди,
Ҳарб қилади бир-бирга
Энди жанжал бошланди.
Қўринг, энди икки мардди,
Ё раб, деб найза тортди.
Иккига ҳам найза ботмай,
Икки найза синиб кетди.
Тана бўлганди абжўшдай,
Пари кўрар қизиқ ишди,
Иккови майдонда савашди.
Оҳ дейди-ю, воҳ дейди,
Иккови уришди қиличди,
Кўзини ўтдай ёндирди,
Шундай қилиб майдонда

Жанг қилишга кўндирди,
Иккови қилич синдирди.
Икковга қилич ўтмайди,
Узоқлашиб кетмайди,
Қилич, найзалар синди-да,
Иковга ҳам ботмайди.
Ёлғончи чанглатади,
Ёқама-ёқа бўп кетади.
От устида иккови
Силқишиб ушлаб кетади.
От устида иккови
Бир-бирини тортади.
Шуйтиб айланар иккови,
Уч кеча-кундуз ўтади.
Икки ботирнинг отлари
Тиззадан ерга ботади,
Иккови ҳам шошади,
Дарёдайин тошади,
Иккови отдан тушади.
Майдонда қолиб иккови
Бир-бирини ушлашади.
Иккови ҳам майдонда
Росса тўйиб курашади.
Яна уч кундуз ўтади,
Охириги кунда Шохдор дев
Авазни маҳкам туттади.
Даврада чертар дуторни,
Хавф минан хатарни,
Кун чиқиб яна ботади.
Қаранг, энди Шохдор дев
Авазни баланд кўтарди.
Қаранг, энди Авазхон
Кўзидан ёшин тўкади.
Энди ўлдим деётир,
Ўзини койиб сўкади.
Ҳар қисганда Шохдор дев
Авазхоннинг бурнидан
Шариллаб қон оқади.
Энди қаранг, Шохдор дев
Авазни бир нарса қилгудай.
Аваз қўрқиб боради,
Унинг жонин олгудай.
Аваз дунёдан ўтса,
Пари девга қолгудай.
Зор йиғлайди Авазхон,

Мадад бергин, жон худой.
 Гап келганди тилида,
 Сағир бўлдинг, Нуралижон,
 Чамбил деган элида.
 Отангинг боши олинди
 Шохдор девнинг қўлида.
 Уйлаб турса Нуралихон,
 Ғамхўрингдан айрилдинг.
 Қаторида нор эдинг,
 Муз келмасдан тойрилдинг.
 Шунқор қаричагай эдинг,
 Қанотингдан қайрилдинг.
 Отанг бўлсам, ўлайин,
 Сен отангдан, мен боламдан айрилдим,
 Хулқар минан тарози,
 Ёнимда йўқ лайли бўзи,
 Уйилди отангинг кўзи,
 Учади Чамбилдан изи,
 Отанг бўлсам ўлайин,
 Болаларим, бўлинг рози.
 От майдонда елди, деб,
 Боғда гули сўлди, деб.
 Чамбилга хабар борар-да,
 Отангинг лоши қолди, деб.
 Рози бўлинг, фарзандлар,
 Хабар берар қузғунлар,
 Холбек деган майдонда
 Полвон иши бўлди, деб.

Мана шундай қилиб Авазхон болалари билан хаё-
 лида розилашиб, дармони кетиб қолади. Шохдор Аваз-
 ни сиқиб додлантириб тураверсин, энди гапни тиззадан
 ерга ботиб кетган дол Ғиротдан эшитинг.

Тиззадан кетганди ботиб, уч кеча-кундуз турганди
 ётиб. Шунда Ғиротнинг қулоғига Авазхоннинг дод де-
 гани борди етиб. Дол Ғирот буларга яқин борди. Аваз-
 га шундай қараса, ўлар ҳолатида. Шунда дол Ғирот
 Шохдор девга ҳужум қилаётибди.

Қаранг, энди дол Ғирот
 Бор кучини харжлайди.
 Одатини бошлайди,
 Шохдорга ўзин ташлайди.
 Оғзин очиб жонивор
 Шохдорнинг елкасин тишлайди.

Ёлғончи дунё ўтади,
Маҳкам тишлаб дол Фирот
Пастга қараб тортади.
Қаранг, энди Шохдор дев
Одамдай доно Фиротдан
Кўргилигин кўради.
Чап қўл минан Шохдор дев
Фиротни муштлаб уради,
Бир қўлиман Шохдор дев
Авазни баланд кўтаради.
Қаранг, энди дол Фирот
Маҳкам тишлаб елкадан
Шохдорни итаради.
Шохдор ақли шошади,
Тишлаб олган эғнидан
Маҳкам тишлаб баттолни
Қора ерга босади.
Қўли бўшашиб Шохдор дев
Авазни ерга ташлади.
Қаранг энди Авазхон,
Чангиб ётибди майдон,
Бул ишга бўлди ҳайрон.
Шохдор девни босиб турган
Дол Фиротдай бўз тарлон.
Мана энди Авазхон
Шукур қилиб Фиротга
Очди, кўринг, қучоқни
Қўлига олди Авазхон
Кичкина ханжар пичоқни.
Калмангни қайтар деётир,
Дўқ қилади Шохдорга.
Ичингдан олиб тишлайин
Эгри бўлган ичакни.
Шундай, деб, Аваз айтар,
Шохдор дев, энди ўлдинг,
Тезроқ калмангни қайтар.
Кўзингдан ёшинг тизарман,
Ризқингни энди узарман,
Бағрингни очиб тузларман.
Калмангни қайтар, Шохдор дев,
Ватанингни бузарман.
Авазинг кўзи ёнади,
Унинг ўзи доноди,
Фиротдан кўнгли тўлади,
Калмангни қайтар, Шохдор деб,

Девнинг устига минади.
Дол Фирот тишлаб тортган,
Шохдор устамон ётган,
Шохдор дев ҳушидан кетган,
Дол Фирот тишлаб оғнатган.
Энди терингни шилай деб,
Дўқ қилади Авазхон
Танангдан бошинг кесай деб.

Ана шунда Авазхон ханжарни Шохдор девнинг кўзига кўрсатади. Шохдор Авазга қараса, Авазнинг одати ёмон, тавба қилмаса, қўймайди омон. Девнинг Аваз қўлидан қутилиши бўлди гумон. Шунда Шохдор дев «лой-лой» деяверади. Энди Авазхон Шохдор девнинг тавба қилганини, Авазга қойил бўлганлигини билдирди. Шунда дев Авазга қараб:

— Сенинг ҳақиқатдан ҳам пирларинг зўр экан, бўлмаса, ер юзида мендай зўр дев йўқ эди. Чунки мен Сулаймондан таълим олган киши эдим. Энди тавба қилиб, сенга қойил қолдим,— дейди.

Шунда Авазхон девни жойидан турғзади, соқолмуртини яхшилаб олдиради, айтганига киргизади. Иккови тура келиб қучоқлашиб кўришади, худони ўртага қўйиб дўст бўлишади.

Шохдор дев икки бурнидан икки тутатқи чиқариб Авазга беради. Авазга қараб:

— Бошингга бир мушкил иш тушса, шу тутатқини тутатасан, осмоннинг устида, ернинг остида бўлсам, етиб бораман,— деб айтди.

Етти йилдан бери Зулфизарга ошиқ бўлиб, гавҳари Шомдан, лаълу зумраддан ясалган асбобларини паризодга беради. Ҳунди шоҳнинг ҳам қилган заргар асбобларини Авазга беради. Ҳунди шоҳнинг ола отини Зулфизар минади. Авазхон дол Фиротга минади, Шохдордан фотиҳа олиб, иккови Чамбилга равона бўлади.

Шунда Зулфизар пари Авазнинг ёдига солади:

— Чамбилга қадар йўлда шундай балолардан йўқми?

Авазхоннинг дарров Афшар дев ёдига тушади. Шунда Авазхон Шохдордан:

— Қоронғу Мозандарада Афшар деган дев бор, шу билан ҳам сендайин курашиб ўтамизми ёки бошқа йўли борми?— деб сўрайди.

Шунда Шохдор:

— Афшарга яқин борганинда шу тутатқидан ту-

татасан, дарров бир қулоғини сенинг оёғингга тўшаб, пойандоз қилиб, сенга Мозандарадан ўтишга йўл беради.

Шундай қилиб, Авазхон Афшарга яқин тутатқи тутатиб, Мозандарадан ўтиб кетади. Ун кеча-кундуз йўл тортиб, Чамбил мамлакатига етади. Чамбилнинг оқ саройига — меҳмонхонасига тушиб, Зулфизарни парилар ихтиёрига топширади. Отини Соқига бериб, ўзи қўрғон қалъа аркону давлатига чиқиб боради. Отаси билан, Сулувхон билан саломлашади, Зулфизар парини олиб келганлигини маълум қилади.

Шунда қирқ олти гала ботир билан Сулувхонни ўз мамлакатига жўнатишга тайёрлайди. Зулфизарни Нуралибекка тўй қилиб беради. Қирқ кеча-кундуз тўй бўлади, Нуралибек парини никоҳ қилиб олади, Туб шаҳар мамлакати билан Чамбил эли қуда-анда бўлади. Туб шаҳар мамлакати душмандан озод бўлади, бориш-келиш Чамбил билан мустаҳкамлашиб, Сулувхон болачақаси билан Чамбилга дўст бўлиб, ўз элида давр сураверади. Аваз ҳам бола-чақаси билан Чамбилда давр суриб, муроду мақсадига етади.

Шундай қилиб, қанча давру давронлар ўтади, неча марду майдонлар келди-ю кетди. Нуралибек достонини дoston қилиб Бойбўри айтди.